Биз Ўзбекистон ахборот маконида миллий контент яратишни ўз қўлимизга олмас эканмиз, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан баҳо бермас эканмиз, бу ишлар хориждан туриб амалга оширилишига имкон яратиб берамиз. Чунки одамлардаги янгилик, таҳлилий маълумотлар, реал воқеаларга эҳтиёжни биз тўлдирмас эканмиз, буни бошқалар қилади. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O'zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
17-yanvar
chorshanba
№ 3 (1378)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ҲАВО – ҲАММАМИЗНИНГ НАСИБАМИЗ

"21 декабрь куни (2023 йил) Тошкент шаҳрида PM2.5 заррачаларининг рухсат этилган чегаравий миқдори 57 баробарга ўсган. Фан PM2.5 саратон ва астмага олиб келишини исботлаган. Ушбу зарраларнинг энг асосий манбаи транспорт ҳисобланади. Бу зарралар ичида энг хавфлиси айнан PM2.5 митти зарраларидир. Ҳаводаги йирик заррачалар юқори нафас йўлларида фильтрланади, PM2.5 каби кичик заррачалар эса чуқур нафас йўлларига, ҳаттоки қонга ҳам ўтиши мумкин. Улар ўзлари билан инсон организмига зарарли қўшимчалар ва кислоталарни ҳам олиб киради".



"6 январь соат 8-00да (2024 йил), Ўзгидрометнинг хабар беришича, атмосфера ҳавоси мониторинги автоматик станциялари маълумотларига кўра, Тошкент шаҳрининг атмосфераси ҳавосидаги ЗМ10 дисперсли заррачаларининг миқдори 26,5 МКГ/м³ни ташкил этган ва SANeqVAn 0293-1193 (500мкг/м³) бўйича рухсат этилган меъёрдан ошмаган. PM2,5 mkg/m³ни ташкил этган. Ва СанЕқваН 0293-11 (500 мкг/м³) бўйича рухсат этилган меъёрдан ошмаган. Майда дисперсли заррачалар миқдори эса 12,4 мкг/v³ни ташкил қилган ва ЖССТ тавсияларидан 2,4 баробар (5мкг/м³) ошган. Углерод оксиди СО(автотранспорт ва саноат корхоналари чиқиндилари) 0,5 мг/м³ни ташкил этиб, ... рухсат этилган меъёрдан ошмаган".

"11 январь куни соат 8:00да (2024 йил) Тошкент ҳавосидаги PM2,5 дисперсли заррачаларининг миқдори (0,001дан 2,5 микрометргача) 85,5 мкг/м³ ни ташкил этди, бу Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларидан 17 баробар (5 мкг/м³) кўп. Бу ҳақда "Ўзгидромет" автоматик ҳаво мониторинги станциялари маълумотларига таяниб хабар берилмоқда. IQAir веб-сайтида соат 8:20да Ўзбекистон пойтахти ҳавонинг ифлосланиши бўйича дунёда 8-ўринни эгаллади, ҳаво даражаси – "зарарли".

Юқорида пойтахт Тошкент ҳавосининг йигирма кун ичидаги айрим ҳолатлари ҳақида ижтимоий тармоқларда ёритилган маълумотлар келтирилди. Улар орасида 6 январь кунига таллуқли маълумотлардан мисоллар кўнгилга бироз таскин бергулик.

Чиндан ҳам, янги йилнинг биринчи ҳафтасида эрталаб кўчага чиққан лаҳзалардан ҳавода енгиллик, тозаликни ҳис қилгандик, борлиқ мусаффолашгандек эди. Бунақа пайтда нафас йўлларида касалликлари бўлган минг-минглаб ҳамшаҳарлардан тортиб саломатлиги, кайфияти об-ҳавога боғланиб қолган минглаб одамларни, тоза ҳаво-ю мунаввар муҳитда жисми, ақли, қобилиятлари яйраб яшнайдиган, доноларнинг чиройли ташбеҳи билан ифодалаганда гулдек болаларни ўйлаб енгил тортасан.

Кейинги ойларда пойтахтимиз кўчаларида эрталаб ва кечки тирбандликлар пайтида машиналарнинг у бекатдан бу бекатгача турнақатор тизилиши одатий ҳолга айланиб қолди, сўнгги пайтларда эса куннинг ўрталарида ҳам чорраҳалар, муюлишлардан тирбандликка тушмай ўтган вақтимиз йўқ ҳисоби. "Бошим оғрияпти", "Кўнглим айнияпти", "Қон босимим ошяпти", "Юрагим безовта бўляпти", "Нафасим қисяпти" деган аҳволу ҳол баёнларини бевосита ҳавонинг ҳарорати, чанг-ғуборлилиги, оғирлиги билан боғлаб гапирадиганлар кундан-кунга кўпайиб боряпти. Айни нафас олаётган ҳавосида зарарли, заҳарли зарралар миқдори меъёрдагидан ортиб кетгани учун йўталаётган, юраги-ю ўпкаси зўриқаётган, қон босими ошаётган, баданига ҳар хил қичималар тошаётганлар ҳаммамизнинг ён-атрофимизда топилади; бадани беҳаловат бўлаётгани сабабини тили чиқмаган гўдаклар, болалар тушунмайдиям, айтиб ҳам беришолмайди, йиғлайди, инжиқлик қилади, тиниқиб ухлолмайди, иштаҳаси бўғилади... Бундай ҳолатнинг ойларга, йилларга чўзилиши оқибатида аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари пасайиб бориши ва бу уларнинг аҳволи, меҳнат ва ижод самарадорлиги, оилада ва жамиятда фаол, интилувчан, ижодкор, ташаббускор, аъло кайфиятли шахслар бўлишига салбий таъсир этиши ва охир-оқибат миллатнинг, халқнинг генофондига оғир асоратлар келтиришини бўяб-бежамасдан тан олишимиз керак.

Январнинг биринчи ўн кунлигида Тошкент шаҳри ҳавосининг бир неча кўрсаткичлар бўйича меъёрлашгани сабаби – кўчаларда транспорт қатнови бирмунча камайгани эканини ҳеч ким рад этмаса керак. Бу кунларда пойтахт жамоат транспортлари ҳар доимги жадваллари асосида йўловчиларга хизмат кўрсатди; корхонаю ташкилотлар ҳам аввалгидек ишлаб турди; коммунал хизмат ташкилотлариям фаолиятини давом эттирди... фақат олий ўқув даргоҳларида қишки таътил бўлиб, вилоятлардан келган талабаларнинг деярли ҳаммаси уй-уйларига кетган, тошкентлик талабалар ҳам ўқишга бормадилар. Демак, Тошкент кўчаларининг тирбандлик даражаси 10 баллик кўрсаткичниям "босиб" ўтиб кетишида, об-ҳавосининг ифлосланиши, зарарли-ю заҳарли заррачаларга меъёридан ортиқ тўйинишида институт, университетларга шахсий машинасида бориб келадиган талабаёшлар уловининг анча-мунча ҳиссаси бор экан-да!

8-б.

Мавзуга оид маълумот

Бугун ҳавонинг ифлосланиш даражаси ҳақида гап кетар экан, ҳавода PM2.5 заррачаларининг меъёрдан ортиқлиги таъкидланади. PM2.5 заррача нима, қандай пайдо бўляпти ва нимага инсон соғлиғи учун бу қадар хавфли?



Ҳавони ифлослантирувчи қаттиқ микрозаррачалар ўлчами 10нм.дан 2.5мкм.гачани ташкил этади. Уларни фан тилида майда дисперс заррачалар ёки ингичка дисперс чанглар деб ҳам аташади.

PM2.5 заррачаларини 2 турга бўлиш мумкин.

Биринчи таркиб ҳаво таркибида мустақил пайдо бўлганлар. Бу гуруҳга қурум, асфальт ва машина шиналаридан ажралган заррачалар, минерал тузлар (сульфатлар ва нитратлар), оғир металл бирлашмалари (оксидлар), биологик чанглар (аллергенлар ва микроорганизмлар) киради.

Бу гуруҳда асосий миқдор қурумга тегишли бўлиб, иссиқлик станцияларида ёқилган кўмирдан ажралган қисмида токсик зарралар билан бойиган ҳолда ҳавода пайдо бўлади.

Иккинчи таркибга шаҳар атмосферасида пайдо бўлган азот ва олтингугурт оксидлари сув зарралари билан бирлашиши натижасида пайдо бўладиган кислота ҳамда оғир тузларни киритиш мумкин.

PM2.5 заррачалари жуда майда бўлганлиги сабабли инсон организмидаги табиий тўсиқлардан, яъни бурунниг шиллиқ пардаси ва юқори нафас йўли ва бронхлардан ўтиб кетади. Нафас олган ҳаво оқими билан ўпка тешикларига етиб боради ва осонгина қон таркибига кириб боради. Натижада нафақат нафас олиш йўллари касалликлари, балки юрак, қон-томир ва бошқа касалликларни ҳам келтириб чиқаради.

Интернет маълумотларидан.

ТАҲЛИЛ

МУСТАҚИЛ МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ТАРИХИ:

КЕЧА ВА БУГУН

Армия фақат қурол ва аслаҳа билан эмас, она-Ватан учун жонини аямайдиган ҳарбийлар билан қудратлидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Шу йилнинг 12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг қуролли кучлар ва ҳарбий-маъмурий секторларнинг 2023 йилдаги фаолияти якунлари ва яқин истиқболга мўлжалланган вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда, аввало, ҳарбий хизматчилар ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, миллий армиямизни янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий-маъмурий секторлар, мудофаа саноати фаолияти самарадорлигини ошириш сингари долзарб масалалар муҳокама қилинди.

— Бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур, — деди Президентимиз.

Зеро, бугунги нотинч ва долғали замонда ҳар бир мустақил давлат биринчи навбатда халқи, юрти дахлсизлигини ҳимоя қилиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрмаса, унинг учун эртанги кунги эрки, мустақиллигини ўзга биров келиб ҳимоя қилиб бермайди. Шу ўринда миллий армиямизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган тарихига мухтасар назар ташлаш ўринлидир.

2-б.

ШУНДАЙ ДЕДИ

Фаррух САТТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги вакили:

"Ноябрдаги ҳаво ифлосланиши (2023 йил. Таҳр.)**, асосан, табиий фактордан келиб чиққанди. Шамол Тошкентга қараб чанг-тўзонни олиб келган. Лекин биздаги ҳаво инверсияси туфайли ҳаво чиқиб кетмаган ва ҳавонинг алмашиши юз бермаган. Шунинг ҳисобига ҳаво туриб қолган. Бу нарсани олдиндан прогноз қилиш учун автоматик станциялар бўлиши керак. Автоматик станциялар арзон нарса эмас. Мана бу йилдан бошлаб, Гидрометнинг станцияларини автоматлаштириш масаласи ҳам йўлга қўйилмоқда. Ҳозиргача 8 таси ўрнатилди. Яъни, энди биз об-ҳавони олдиндан режалаштириб** (...?. Таҳр.)**, башорат қила оламиз. Йил охиригача бу ҳақида сизларга маълумот берамиз, деган умиддаман".**

Манба: kun.uz

МУНОСАБАТ

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ — УЙҒОҚ ҚАЛБ ЭҲТИЁЖИ

Ўтган йилнинг 22 декабрь куни Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида кўтарилган масалаларни, хусусан, маънавият, маърифат, маданият, санъат ва ижод соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлиги, бу соҳалар олдидаги устувор вазифалар муҳокамасини жамиятнинг бир зиёлиси, маънавият тарғиботчиси сифатида юксак масъулият билан тингладик. Унда давлатимиз раҳбари тўққизта йўналишда ўз фикрларини билдириб, муҳим ташаббусларни илгари сурди. Ушбу йиғилишда кўтарилган масалалар маънавий ҳаётимизда янги ислоҳотлар даврини бошлаб бериши шубҳасиз.

Аввало, маънавият ва маданият соҳаси учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғояни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур-ҳужжат ишлаб чиқиш лозимлиги қайд этилди.

Таълим тизимига қаратилаётган эътибор изчил давом эттирилиб, бу борада ҳам тенглик таъминланиши, хусусан, қиз болаларнинг ўқиши ва касб-ҳунар эгаллаши жамият ривожида муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, жамиятда ёшлар тарбияси ҳар доим куннинг биринчи даражали мавзуларидан бири бўлиб келган. Айни пайтда, дунёда глобаллашув жараёни тезлашмоқда. Дунё халқлари, давлатлар ўртасида ўзаро алоқалар кучаймоқда. Мамлакатимиз ҳам бундан йироқда эмас. Ёшларимиз қадриятларни бир-биридан фарқлаши, глобаллашув жараёнида миллий қадриятларни йўқотмаган ҳолда муносабатда бўлишлари муҳимдир.

2-б.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ — УЙҒОҚ ҚАЛБ ЭҲТИЁЖИ

1-6.

Зеро, миллий ўзликни англаш айнан маънавий қадриятларни ўзлаштириш, ўз халқининг тарихи, маданий меросини ўрганиш, бугунги ҳолати ва эртанги истиқболини аниқ тасаввур этишдан бошланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аждодларимиз маданий ва маънавий мероси, улар яратган сўз, халқ тилининг туганмас бойлиги ёш авлодни тарбиялашда муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев йиғилиш аввалида: “Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур”, — дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, бу борада республикадаги барча олий таълим муассасалари қатори Урганч давлат университетида ҳам қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, университетимиз ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий фаолиятда ўз олдига қатор вазифаларни белгилаб олган.

Жумладан, биринчи навбатда ёш авлодга чуқур билим берилишини таъминлаш, уларни руҳий юксалтириш, ўзларига бўлган ишонч ҳиссини орттириш, ўз қобилиятларини кенг намоён этишларида кўмаклашиш, талабалар ҳаётида соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, уларнинг маданият, санъат, спорт, китобхонлик соҳаларига бўлган қизиқишларини янада ўстириб бориш, ижодий қобилиятини аниқлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, талабаларда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, маънавий-маърифий тадбирларда уларнинг фаоллигини оширириш, дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш сингари вазифалар шулар сирасига киради.

Буларнинг барчаси Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси доирасида қатъий режа асосида тизимли амалга оширилмоқда.

Университетимизда ёшлар билан ишлаш 3 та шаклда (жамоавий, гуруҳли ва индивидуал шаклларда) амалга оширилади. Бундан ташқари, алоҳида режа асосида ҳар ойда “Маънавият куни” ва “Маънавият ҳафталиги” тадбирлари ҳам ўтказиб келинмоқда.

Биргина 2023 йил мисолида оладиган бўлсак, университетда ёшлар билан ишлаш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича турли йўналиш ва мавзуларда маънавий-марифий тадбирлар, интеллектуал танловлар, спорт мусобақалари, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда семинарлар, очиқ мулоқот ва давра суҳбатлари, учрашувлардан иборат жами 741 та тадбир ўтказилган бўлиб, уларга 16 мингдан ортиқ талаба-ёшлар жалб қилинди.

Қолаверса, университетда талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун жами 105 та тўгарак мавжуд бўлиб, шундан 49 таси фан, 24 таси спорт ва 37 таси маънавий-маърифий ва ижодий клублар саналади. Шунингдек, ҳар бир факультетда талабалар театр студияси (жами 9 та) ва ҚВЗ жамоалари (жами 9 та) ташкил этилди.

Тобора глобаллашаётган замонамизда ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш ғоят муҳимдир. Шу боис ёшларнинг руҳан соғлом, кенг дунёқарашли, қатъий ҳаётий позиция ва турли ёт ғояларга қарши тура оладиган хислатларга эга бўлиши ҳам устувор масалага айланмоқда. Бу борада ота-оналар ва таълим муассасаси ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилиши долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шунинг учун ҳам университетимизда талабаларнинг ота-оналари ҳамда олий таълим масканимиз раҳбарияти ўртасида мунтазам равишда очиқ мулоқотлар ўтказиш йўлга қўйилган. Бунга ҳар йили янги ўқув йили бошида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ота-оналар конгресси”ни мисол қилиб айтишимиз мумкин.

Ушбу “Ота-оналар конгресс”ларида университет раҳбарияти томонидан талабаларга пухта таълим бериш билан бирга, уларнинг тарбияси, хулқи-одоби бошқаларга ўрнак бўлиши кераклиги, шу билан бир қаторда, университетда талабаларга яратилган шароитлар ва имкониятлар, таълим ўқув даргоҳи ички тартиб-қоидалари, талабаларнинг ўқиши, қизиқиш ва интилишларини ўрганиш ва бу борада университет ҳамда ота-оналар ҳамкорлиги йўлга қўйилиши борасида мулоқот қилиб борилади. Албатта, ушбу конгресс баҳонасида ота-оналар университетда олиб борилаётган таълим тизими ва ўқув жараёнлари, ички тартиб-қоидалар ва талаба-ёшларга сифатли билим бериш учун яратилган шароитлар билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлмоқдалар.

Ўз навбатида ота-оналар ҳам университетдаги фарзандлари учун яратилган имкониятлар хусусида нафақат ўзларининг фикрларини, таклифларини ҳам билдирадилар, таълим жараёнларини ташкил қилиш билан боғлиқ тавсиялар ҳам бериб боришади. Шу асосда, таълим олаётган талабаларимизнинг ота-оналари билан доимий равишда ҳамкорликда ишлаш мақсадида “Ота-оналар кенгаши” ташкил қилганмиз.

Дарҳақиқат, Урганч давлат университети нафақат вилоятимиз, балки республикадаги нуфузли олий таълим муассасалари қаторидан муносиб ўрин эгаллаган. Университетда жамият ривожига ҳисса қўшадиган, ўз соҳасининг малакали мутахассисларини камолга етказиш устувор вазифа саналади. Бу борада маҳалла ва ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш кутилган натижаларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда. Энг муҳими, талаба-ёшларни ватанпарварлик, ватанга садоқат, муҳаббат руҳида тарбиялаш, ёшлар қалбида миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларга содиқлик, ҳурмат туйғуларини сингдириш, буюк алломалар илмий-маданий меросини ўрганиш, таништириш, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, кенг мушоҳадали, теран дунёқарашли, интеллектуал салоҳиятга эга, турли ёт ғояларга нисбатан иммунитетни шакллантириш мақсадида доимий тарзда ўтказилиб келинаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг ўрни катта. Бу борада турли илмий-маърифий тадбирлар, адабий-бадиий кечалар, талаба-ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларни китобга, шеъриятга ошно қилиш, машҳур адибларимиз ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таништириш мақсадида ўтказилаётган кўрик-танловлар, Ёзувчилар уюшмасининг Хоразм вилояти бўлими билан ҳамкорликда маданий-маърифий учрашувлар, аждодлар маданий мероси билан танишиш ва ўрганиш, санъатга ошно қилиш мақсадида тарихий музейларга, театрларга ташрифлар ва бошқа кўплаб маданий жараёнларда талабаларимизнинг фаоллиги, қизиқиш ва интилишларини кўриш кишини хурсанд қилади. Айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, мутолаа маданиятини юксалтиришга катта эътибор қаратганмиз. Жумладан, анъанавий тарзда ўтказиладиган 4 та катта лойиҳамиз мавжуд. Булар: “Китобхон талаба”, “Навоийхон талаба”, “Шеърият шоҳсупаси”, “Ёш нотиқлар”.

Яратилган имконият ва шароитлар асосида университетимиз талаба-ёшлари кўпгина йўналишларда ўзларининг қобилият ва интеллектуал салоҳиятларини намоён этиб, катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

Хусусан, 2023 йилда университетимизнинг спортчи талабаларидан халқаро спорт мусобақаларида 9 нафари, республика спорт мусобақаларида 37 нафари ғолиб ва совриндор бўлди. Қувончлиси, таълим масканимиз мамлакат олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиладиган спортнинг 15 тури бўйича “Универсиада” спорт мусобақаларининг республика финал босқичида умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни қўлга киритди. Айнан ушбу “Универсиада” спорт мусобақаларида талабаларимиз футбол, волейбол, регби ҳамда дзюдо бўйича чемпионликни қўлга киритганликларини эътироф этишимиз жоиз.

Шунингдек, “Беш ташаббус олимпиадаси” спорт мусобақаларининг республика финал босқичида фахрли 3-ўринни эгаллади.

2023 йил 26 июнь куни “Мунозара” республика турнири финал босқичида эса “Хорижий ўзбеклар” жамоаси аъзолари хорижий филология факультети талабалари Чаросхон Фазилова, Шаҳноза Қаландарова, Исмоилжон Жалолиддиновлар ғолибликни қўлга киритиб, 20 млн. сўмлик соврин эгаси бўлдилар. Мунаввара Салаева ҳамда Мухтор Саидов номидаги, шунингдек, “Ректор стипендияси” ва университет Касаба уюшмаси стипендиялари жорий этилиб, талабалар танлов асосида ишчи гуруҳ томонидан аниқланади. Фахрланадиган янгиликлардан, ютуқлардан яна бири шундаки, университетимиздан 22 нафар талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда номдор давлат стипендияларини қўлга киритдилар.

Шу ўринда маънавий-маърифий соҳада университетимиз профессор-ўқитувчиларининг эришган ютуқлари ҳам жамоамизга фахр-ифтихор бағишлаётганини алоҳида айтиб ўтишни истардим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига биноан, дорилфунунимиз Тарих кафедраси доценти, университет Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раиси Шоира Нуруллаева “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланди.

Яна узоқ йиллардан буён самарали фаолият юритиб, олийгоҳнинг ўқув ва илмий фаолияти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фахрий устоз, ўзбек филологияси факультети доценти, филология фанлари доктори Ўразбоев Абдулла Дурдибоевич Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг буйруғига асосан “Маънавият фидойиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

“Илҳом” республика танловининг 2023 йилги мукофоти ўзбек филологияси факультети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси Акбар Отабоевга насиб қилди ва у бош соврин — “Spark” автомобили соҳиби бўлди.

Айтиш жоизки, бизга энг катта куч, рағбат бераётган омил шундаки, бу — Давлатимиз раҳбари томонидан Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалар жамоамиз олдига янада юксак мақсад ва марраларни қўймоқда. Ахир ўзликни англаш ҳамиша уйғоқ қалб эҳтиёжи бўлиб келган.

Университетимизда миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз, маънавий меросимизни кенг тарғиб қиладиган турли маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар, бадиий кўргазмалар, китобхонлик кечалари ва спорт мусобақаларини мунтазам равишда ташкил қилиб, талаба-ёшларимизни кенг жалб қила олсак, ўйлайманки, улардаги қизиқишни орттиришга ва истеъдодларини шакллантирган ҳолда, кенг намоён қилишларига барча зарур шароитларни яратган бўламиз. Албатта, булар амалга оширишимиз зарур бўлган вазифаларимизнинг бир қисми холос. Лекин энг муҳим, ҳамиша долзарб вазифаларимиздандир.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Урганч давлат университети ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор.

МУСТАҚИЛ МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ТАРИХИ:

КЕЧА ВА БУГУН

1-6.

Дарҳақиқат, барча соҳалар сингари миллий армиямиз мустақиллигининг қўлга киритилиши — маълум бир қийинчиликлар ва тўсиқларни енгиб, босқичма-босқич ислоҳотларни амалга ошириш асосида эришилган.

1989 йилнинг охирида совет армияси сафида хизмат қилиб қайтганларнинг рўйхати текширилганда, биргина тинчлик даврининг ўзида, ҳеч бир сабабсиз 430 нафар ўзбекистонлик аскарнинг армияда вафот этганлиги маълум бўлган. Юртимиздаги ҳарбий кадрлар масаласида ҳам аҳвол жуда ачинарли эди. Чунончи, 1990 йили Ўзбекистонда хизмат қилаётган ҳарбий офицерлар текширилганда, Ўзбекистон мудофаа тизимида хизмат қилаётган барча офицерларнинг атиги 0,6 фоизи (эътибор беринг, ҳатто 1 фоиз ҳам эмас) миллий кадрлар ҳисобига тўғри келар экан. Ўзбекистонда туғилган кўплаб ҳарбий офицерлар СССРнинг махфий топшириқларини бажариш мақсадида бошқа ҳудудларга жўнатилар, айрим ҳолларда уларнинг ё ўлиги уйларига қайтар, ёки ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетар эди. Айнан собиқ марказ партияси мансабдорларининг аралашуви натижасида юқоридаги салбий рақамлар шаклланган. 1990 йил 26 августда Ўзбекистонда “Қуролли Кучлардаги партия ташкилотларини тугатиш тўғрисида”ги қарори эса рақамларнинг ижобий томонга ўзгаришига катта туртки бўлди. Натижада 1990 йилнинг ўзида собиқ СССР ички қўшинларида хизмат қилаётган 300 нафар ўзбекистонлик ҳарбий хизматчи ўз ихтиёри билан энди Ўзбекистон Қуролли Кучларида хизмат қилиш хоҳишини билдирди ва тез орада Республика раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан уларнинг орзу-умидлари амалга оширилади.

Мустақиллигимиз эълон қилингач, 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлиги тузилди. 1992 йил 3 июлда Президент фармонига биноан “Мудофаа ишлари вазирлиги” Мудофаа вазирлигига айлантирилди. Бу фармон асосида соҳада кенг қамровли ўзгаришлар бошланди, қатор қонунлар (“Мудофаа тўғрисида”, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ва ҳоказо) қабул қилинди. 1993 йил 22 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмининг Жанговар байроғи тўғрисида”ги Президент Фармони имзоланиб, Қуролли Кучлар Жанговар байроғининг ягона намунаси белгиланди.

1993 йил 29 декабрда “Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинди ва “14 январь — Ватан ҳимоячилари куни” сифатида байрам қилинадиган бўлди.

Мустақилликдан олдин, иттифоқ даврида бундай байрам 23 февралда нишонланган. Аммо ушбу икки сана орасидаги тафовутлар ер билан осмонча фарқ қилар эди. Сабаби, СССР таркибидаги (Россиядан ташқари) республикаларнинг ҳеч қайсиси 23 февраль санасидаги воқеа-ҳодисага алоқадор эмас эди. Чунки 1918 йил 2 февралда Чор Россиясида бошланган Фуқаролар уруши 1920 йил 23 февралда ҳукуматнинг ғалабаси билан тугайди. Айни шу воқеадан сўнг собиқ совет давлати армияси ва денгиз флоти ҳар йили 23 феврални байрам сифатида нишонлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида”ги қарорига биноан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар республика тасарруфига олинди. Кўп ўтмай, яъни:

1) 1992 йил 18 майда Ҳарбий авиация, ҳаво десанти, разведка қўшинлари ва таъминот қисмлари;

2) 12 ноябрдан Ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қисмлар;

3) 13 ноябрдан ва ниҳоят Кимёвий ҳарбий қисмлар республикамиз тасарруфига олинди.

1992 йил 24 мартда Ўзбекистон давлат чегарасини, ҳудудий дахлсизлигини бевосита таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати (ҳозирги Давлат хавфсизлик хизмати) тасарруфида “Чегара қўшинлари” тузилди. Кейинги масала эса ҳарбий кадрлар, офицерлар тизимини такомиллаштириш эди. Тошкент олий танк-қўмондонлик билим юрти 1993 йил 1 апрелдан бошлаб “Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти” деб қайтадан номланиб, фаолиятини янгича тартибда бошлади. Ҳозирги кунда мазкур ҳарбий билим юртида 9 та бакалавриат йўналишида офицерларни тайёрлаш учун ўқишга қабул қилинади. 1995 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясига асос солинди. 2017 йил 25 апрелда Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг фармонига асосан аввалги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти базасида янги ва замонавий Қуролли Кучлар академияси ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июндаги қарори ва Мудофаа вазирининг 1994 йил 9 июлдаги буйруғига асосан Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилган эди. Мазкур ҳарбий билим юрти 2018 йил 18 январда Президент қарорига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти” деб қайтадан номланиб, Жиззах шаҳридан Қаршига кўчирилди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 17 январдаги қарорига асосан ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа соҳасида юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факультети Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти этиб қайта ташкил этилди.

Бундан ташқари, 2000 йилдан бошлаб Қуролли Кучлар тизимида ҳарбий йўналишдаги лицейлар фаолияти йўлга қўйилган эди. 2007 йил 22 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ барча ҳарбий лицейлар ҳарбий-касбий йўналишдаги лицейларга айлантирилди. 2017 йил 5 июлда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ барча ҳарбий академик лицейларга “Темурбеклар мактаби” мақоми берилди. Ушбу ҳарбий билим юртлари ва Темурбеклар мактабларида келажакда ҳарбий мутахассис бўлиш орзусидаги ёшлар учун барча шароитлар яратилди.

Мустақилликдан сўнг, илк бор 1995 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ учинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси қабул қилинган эди. 2003 йил 3 февралда эса мамлакатимиз Мудофаа доктринаси муҳокама қилинди. 2018 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистон Республикасининг мудофаа доктринаси тўғрисида”ги Қонунни имзолади. Айтиш жоизки, йилдан-йилга Мудофаа тизимига оид мавжуд муаммоларнинг амалий ечими сифатида қатор қонун ва фармонлар қабул қилинмоқда. Биргина 2019 йилнинг ўзида мудофаа соҳасида 7 та қонун, 50 та фармон ва қарорлар, 20 дан ортиқ дастурлар ва “йўл хариталари” қабул қилингани фикримиз далилидир.

2018 йилнинг 10 январида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлиси бўлиб ўтди. Президентимиз мазкур йиғилишда бугунги кун ёшларида ҳарбий-ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масаласи устувор масала сифатида турмоғини алоҳида таъкидладилар. “Буюк саркардалар Жалолиддин Мангуберди ёки Амир Темурнинг ҳаёти ва ҳарбий маҳорати ҳақида ҳамма ҳам етарли билимга эгами? Ваҳоланки, бу аждодларимизнинг ғалабалари, стратегия ва тактикаларини дунёдаги кўплаб ҳарбий мактаб ва академияларда бугун ҳам ўрганишади”, — деб эътироф этилди. Ҳарбий таълим масаласига алоҳида эътибор қаратиш мақсадида мактаблардаги ҳарбий тайёргарлик дарсларига шу ҳудудда хизмат қилаётган, юксак инсоний ва касбий хусусиятларга эга жанговар офицерларни жалб этиш, ўқувчиларни ҳарбий қисмларга олиб бориш ва хизмат жараёнлари билан яқиндан таништириш бўйича топшириқлар берилди. 2018 йил 23 февралда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш, уларнинг онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини сингдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 14 майда “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қабул қилинган қарорига биноан, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун республика олий таълим юртларига 5 фоизлик давлат гранти асосида қабул квотаси ажратилди. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар доимий равишда замонавий уйлар билан таъминланмоқда. Биргина мисол, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида 2019 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчилар учун имтиёзли кредитлар асосида 116 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилиши белгиланди ва режа асосида бажарилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил 31 январь куни “Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларини қуроллантириш ва мудофаа саноати соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Шу асосда, Мудофаа саноати давлат қўмитаси (2017 йил 20 ноябрь) негизида Мудофаа саноати агентлиги (Мудофаа вазирлиги ҳузурида) ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузурида “Ўзтехтрейд” давлат унитар корхонаси тузилди. Мазкур фармон ижроси асосида юртимиздаги барча турдош корхоналарни бирлаштирган Мудофаа саноати агентлигининг ташкил қилиниши миллий мудофаа саноат комплексини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

2016 йилдан бошлаб миллий армиямизни ислоҳ қилиш, Қуролли Кучларнинг ташкилий тузилмасини ва дислокация тизимини такомиллаштириш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техника намуналари билан жиҳозлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлиги ва шайлиги, касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Қўшинларнинг энг замонавий турдаги ҳарбий техника ва қурол-яроғлар билан таъминланиши ва сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон армияси 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра дунёдаги энг кучли армиялар рейтингида 145 давлат орасида 62-ўринни эгаллади (ҳарбий кучларнинг глобал индекси 50 га яқин омилларни ҳисобга олган ҳолда тузилади). Буюк Британияда ўтказилган, дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакат ҳарбийлари иштирок этган нуфузли “Кембрия патрули” танловида ҳарбийларимиз 123 жамоа орасида биринчи ўринни эгаллагани соҳадаги амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўринли эканлигини кўрсатиб беради.

Ҳозирги кунда Янги Ўзбекистоннинг мустақил миллий армияси барча замонавий қурол-аслаҳалар ва ҳарбий техникалар билан таъминлаб келинмоқда. Бу масала ҳақида Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони фикр билдирар экан: “Миллий армия 2030 йилга қадар энг замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминланади”, деб таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, Миллий армиямизда қисқа фурсат ичида жуда ҳам кўплаб ислоҳотлар амалга оширилди. Ва бу ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. 2016 йилдан ҳозирги кунга қадар жами 580 дан ортиқ тезкор-жанговар тайёргарлик тадбирлари ўтказилди, уларда Қуролли Кучларнинг 35 мингдан зиёд ҳарбий хизматчилари иштирок этди. Замонавий, профессионал Миллий армиямиз қисқа муддат ичида биз кутгандан ҳам олдинроқ шаклланди. Ҳозирги кунда эса ҳақиқий ривожланган армиямизга таянган ҳолда тинч-тотув яшаяпмиз. Қуролли Кучларимиз бор экан, мустақиллигимизга, тинчлигимизга қарши қаратилган ҳар қандай ташқи хавфлар, уларни озиқлантирувчи кучлар ва кимсалар ўзларининг машъум ниятларига ҳеч қачон ета олмайди. Зеро, мудофаа тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад мамлакатимиз хавфсизлиги ва халқимиз тинчлигини таъминлашдир.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Қуролли Кучлар ташкил этилганининг 32 йиллиги ва Ватан ҳимоячилар куни муносабати билан йўллаган байрам табригида ҳам халқ ва армия бир тану бир жон эканлиги алоҳида таъкидланди. Унда айтилганидек, “...ғалаба тақдирини, аввало, қўшиннинг жанговар руҳи ва тайёргарлиги, маънавий қудрати ва мустаҳкам иродаси хал қилади.”

Мард ва жасур ҳарбий хизматчиларимизнинг ана шундай жанговар руҳи ҳамиша баланд бўлсин!

Завқибек МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон ФА Тарих институти илмий ходими.

ЖАҲОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

GLOBAL TIMES
DISCOVER CHINA, DISCOVER THE WORLD
M urges US to stop meddling Beijing 2022
China wins against US at WTO on tariff
Beijing will turn new glorious page in history: Uzbek diplomat
Olympic Villages open; biggest team for Winter Games formed

“GLOBAL TIMES”: Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик – тараққиёт ва фаровонлик сари йўл

Хитойнинг инглиз тилида нашр этиладиган етакчи “Global Times” газетасида “Ўзбекистон Хитой билан биргаликда тараққиёт ва фаровонлик сари янги йўл изламоқда” сарлавҳали таҳлилий мақола чоп этилди.

***“Ўзбекистон Хитойнинг ҳар томонлама стратегик ҳамкоридир. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон Хитой билан муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият беради ва Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббусини фаол қўллаб-қувватлайди”,* — дейилади мақолада.**

Газетада қайд этилишича, ўтган 2023 йил Хитой–Ўзбекистон муносабатлари ривожланиши тарихида муҳим палла бўлди. Икки давлат ўртасидаги олий даражадаги яқин ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг юксак даражаси ва ўзига хослигини намоён этди.

Мақола муаллифининг ёзишича, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий ўзаро ишонч янги босқичга кўтарилган. 2013 йилда Хитой “Ипак йўли иқтисодий макони”ни барпо этиш ташаббусини илгари сурди ва бу ғоя Ўзбекистон томонидан қадимий Ипак йўлини қайта тиклаш бўйича муҳим чора сифатида юқори баҳоланди.

Хитой айни пайтда Ўзбекистоннинг энг йирик импорт манбаи ва савдо шериги ҳисобланади, шунингдек, экспорт бўйича иккинчи ўринда туради.

Халқаро транспорт йўлаги Хитой-Ўзбекистон ҳамкорлигининг асосий йўналиши бўлиб, Ўзбекистонни “денгизга чиқа олмайдиган мамлакатдан” “қуруқлик билан боғланган мамлакат”га айлантиришига самарали ёрдам беради. Хитой томонидан муваффақиятли қуриб битказилган “Ангрен–Поп” темир йўл линияси Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги энг узун туннель ҳисобланади. “Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон” транспорт йўлаги тоғларни кесиб ўтувчи халқаро транспорт артериясига айланиб бормоқда. “Марказий Осиё – Хитой” газ қувурининг тўртта йўналиши ҳам Ўзбекистон ҳудудидан ўтиб, қўшни давлатлар ўртасидаги дўстона ҳамкорликнинг мезонини белгилаб беради.

“Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқалар ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат олий таълим муассасалари, таҳлил марказлари, оммавий ахборот воситалари, санъат, археология ва соғлиқни сақлаш соҳалари ўртасида тез-тез алмашинувлар амалга оширилмоқда. Туризм соҳасида ҳамкорлик бўйича қатор келишув ва меморандумлар имзоланган. Ўзбекистон хитойлик сайёҳлар учун 10 кунлик визасиз режим жорий этган. Бу Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги туризм ҳамкорлиги янада кенгайишига хизмат қилмоқда”, — деб таъкидлаган Хитой босма нашри.

2024 йилда ҳар икки томон иқтисодиёт, савдо, сармоя, молия, алоқа, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва яшил ривожланиш каби турли соҳаларда ҳамкорликни янада фаоллаштириши ва чуқурлаштириши табиий.

“Иккала мамлакат ҳам саноатнинг бир-бирини тўлдирувчи афзалликларидан тўлиқ фойдаланиши, ўзаро савдони рағбатлантириши, савдо тузилмасини оптималлаштириши, саноат ва таъминот занжирларининг барқарорлигини сақлаши керак. Шунингдек, улар БМТ ва ШҲТ каби кўп томонлама халқаро механизмлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қиладилар”, деб ёзган “Global Times”.

“Дунё” АА,
Пекин ш.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ҒОЛИБЛАР МУНОСИБ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Кеча — 16 январь куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Посбониман муқаддас юртнинг” танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир ўтказилди.

Таъкидлаш жоиз, ушбу танлов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 14 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 32 йиллигини ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши ижроси доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов Президентимиз раҳбарлигида Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, юртимизда армия ва халқ якдиллиги, танловнинг аҳамияти, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашда шеър ва ҳикояларнинг, ижодий материалларнинг ўрни муҳим эканлиги, ижодкорларни рағбатлантириш уларни руҳлантириши ҳақида сўз юритдилар.

4-6.

ИККИНЧИ ФИКР

УЙ-МУЗЕЙЛАРНИНГ “БЕГОНА”СИ ЙЎҚ!

Давлатимиз раҳбари маънавият ва маърифат соҳасига қанчалар эътибор қаратаётган, ғамхўрлик кўрсатаётган бир паллада, очиғи, айрим соҳа мутассаддилари ўзларидан билиб ҳеч ташаббус, жонкуярлик қилмаслиги куйдиради, ўйга солади.

Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан ўзбекнинг улуғ адиби Абдулла Қодирий уй-музейи ташкил қилинди. Бундан қанча ғурурланса арзийди. Аммо бугун уй-музейлар борасида йиғилиб қолган айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Аслида нафақат юртдошларимиз, ёшларимиз учун, балки хориждан келадиган минг-минглаб сайёҳлар, меҳмонлар учун ҳам улуғ зотлар яшаб ижод қилган қадамжоларга эътибор янада кучайтирилса, бу фақат эзгуликка хизмат қилади.

Қуйидаги мулоҳазаларимиз айнан шу ҳақда.

Аввало, пойтахтимиз Тошкентда нечта уй-музей бор? Республикамизда-чи? Улар кимларнинг уй-музейлари? Давлат тасарруфига олинган бу уй-музейларнинг зиммасига қандай вазифалар юклатилган? Уларнинг маънавий-маърифий, адабий-илмий, борингки, ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрни қандай? Аждодларимиз меросини ўрганишда, халқимизни ва айниқса, ёшларимизни тарихимизга, адабиёт ва санъатимизга ҳурмат ва муҳаббат, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга садоқат руҳида элпарвару юртпарвар инсонлар қилиб тарбиялашда уй-музейлар қандай аҳамият касб этмоқда? Нега оммавий ахборот воситалари уй-музейлар фаолияти ҳақида деярли оғиз очмайдилар? Нега бу музейларга гўёки “олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ” қабилида қараб келяпмиз?

Хизмат юзасидан ҳар гал Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор уй-музейига йўл олганимда, хаёлимда ана шундай саволлар чарх ура бошлар, мен эса мутахассислар жавоби билан чекланиб қолмаслигим керак деган фикрда тўхтаб, бу қутлуғ даргоҳ иши билан чукурроқ танишишга, саволларимга тўла жавоб олишга ҳаракат қилардим.

Аввалдан айтиб қўяй, камина музейшунос мутахассис эмасман, журналистман. Аммо икки йил давомида бир неча уй-музейларда бўлиб, уларнинг иши, шарт-шароити билан танишиб, раҳбар ва ходимлари билан мулоқотда бўлиб, битган ушбу мақоламда баён этилган муаммолар, таклиф ва истакларни “Hurriyat” газетаси орқали мутасаддиларга етказишни лозим топдим. Шу боис ўзбек ва тожик адабиётининг йирик намояндаси, академик ёзувчи Садриддин Айний уй-музейига ўхшаб, “номи бор-у, ўзи йўқ” бўлмаслиги учун, аччиқ бўлса-да, очиқ гапиришга тўғри келади.

Маълум бўлишича, уй-музейлар яқин-яқинга қадар Маданият вазирлигига қараган экан. Вазирликдагилар керак бўлганда топшириқ бериб, керак бўлганда ҳисобот сўрашдан нари ўтмаган. Шу сабабли уй-музейларнинг қандай муаммолари борлиги ва нима ёрдам кераклиги хусусида лом-мим дейилмаган. Вазирлик лавозимларини эгаллаб ўтирган раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам эса бир-икки соат вақт ажратиб, уй-музейларни ўз кўзлари билан кўриб, ташвиш ва қувончлари билан қизиқиб кўришган деб айтиш қийин. Аксинча, катта-кичик йиғинларда ҳам бу масала четлаб ўтилган. Бу эса уй-музейларнинг ўз ёғига ўзи қовурилиб ўтиришига олиб келган. Музей муаммоси-ю кам-кўстини ҳал этиш, зарур нарсаларни сотиб олиш ёки ниманидир таъмирлашга бюджетдан маблағ ажратиш кўзда тутилмагани учун директор ўз ёнидан сарфлашга мажбур бўларкан. Бошқа бир уй-музейнинг экспозиция залларида биттадан кичкина лампочка қизариб турганлиги, иккинчисида илмий ходим ўрнида талаба ишлаётгани, учинчисида кузатувчи етишмаслиги, яна бирида барча иш мутахассис бўлмаган ёш ходим зиммасига юклатилганлиги фикримнинг далилидир.

Тақдир тақозоси билан уй-музейлар Туризм ва маданий мерос вазирлиги тасарруфига ўтказилганида, кўпчилик энди ўзгариш бўлса керак, деб ўйлаган экан. Афсуски, вазирлик мақоми ўзгариб, уй-музейлар яна кимнинг этагини ушлашни билмай, куннинг кулиб боқишини кутишибди. Ниҳоят, ғўрадан ҳалво пишиб, уй-музейларга эга топилибди. Янги ташкил этилган Маданий мерос агентлигини “отам ҳам сиз, онам ҳам сиз” дейдиган бўлишибди. Қолган гап агентликда. Бегоналик қилмай, уй-музейларни бағрига олса, олам гулистон. Буни вақт кўрсатади, албатта.

Абдулла Қаҳҳор уй-музейида ҳам бир қарашда ҳамма нарса рисоладагидек. Икки қаватли уйдан иборат мўъжазгина ҳовли шинам, тоза-озода. Баҳордан кеч кузгача атиргул ва райҳонлар кўзингизни яшнатади. Қулочларини тўрт томонга ёзган катта хурмо дарахти қийғос гуллаб, ҳовлига ўзгача бир чирой бахш этганлигидан дилингиз яйрайди. Мени илиқ кутиб олган музей директори Санобархон Матлубова мақсадимни билгач, аввал ходимлари билан таништирди, сўнг музейни томоша қилдириб, мени адиб ҳаёти ва ижодига янаям қизиқтириб қўйди. Шу-шу бир оёғим ишда бўлса, бир оёғим музейда бўлди. Ойлар ўтиши билан мен меҳмондан – мезбонга айландим. Директор ва ходимларнинг самимий, хушмуомала, камтар ва ишчанлигини кўриб, ёшлардан иборат бу аҳил жамоага ҳавасим келар, мулоқотларимиздан хурсанд бўлар эдим. Лекин икки йил давомида на директордан, на ходимлардан бирон-бир шикоят ёки нолиш эшитмадим. Назаримда, улар етар-етмаслик ҳақида сўз очишдан уялар, бундай фикр хаёлларига ҳам келмас эди чоғи. Аммо музей биноси бунёд этилгандан буён меҳр билан таъмирланмаганлигини деворларининг дарз кетиб, қорайиб қолганлиги, пол ва жиҳозларининг ранги ўчиб, айрим жойлари лопиллаб турганлигидан билиш қийин эмас эди. Бунинг устига, хизмат кўрсатиш воситалари ҳам аллақачон бурчини ўтаб бўлганди. Яна шуни ҳам билдимки, кўзда тутилмаган харажатларнинг бари директорнинг бўйнида экан. Илтимос, маоши катта бўлса керак-да, деб ўйламанг! Илмий ходимнинг ойлиги салкам икки миллион сўм бўлганда, ундан бир поғона баланд турадиган директорнинг оладиган маоши от билан туя бўлармиди? Назоратчи қанча маош олишини айтмасам ҳам бўлади. Арзимаган маошга ноиложликдан ишлаётган ходим маоши кўпроқ иш топилиб қолган куниёқ бўшаб кетаркан. Наҳотки уй-музейларнинг бундай муаммоларини қулоғининг пахтасини олиб қўйиб эшитадиган бирон-бир олийжаноб одам топилмаётган бўлса, деган хаёлга бориб, ўйланиб қолдим.

Вазирлик раҳбарлари ўзларига қарашли бўлган уй-музейлардан бир йилда бир марта хабар олмаса, “ҳали уни қил, ҳали буни қил”дан нарига ўтмаган бўлса, ҳокимият катталари ўз ҳудудидаги музейга қадам босмаса (ҳоким ва унинг муовинлари ўз туманида уй-музейлар борлигини биларми-кан?), музей директори бошини қайси деворга урсин?! Кимдан умид қилсин? Ён қўшни бўлган маҳалладанми?! Муаммосини ҳал этиш учун қайси бойваччага ялиниб-ёлворсин? Эшитишимга қараганда, музейни таъмирлаш ва бир донагина компьютерга эга бўлиш учун казо-казолар номига илтимос хати ёзилиб, тақиллатилмаган эшик қолмабди. Менинг ўзим адиб уй-музейини таъмирлатиш учун икки йил югуриб, ниҳоят ниятимга етганимда, директорга осон эмаслигини аниқ-тиниқ тасаввур қилдим. Арзимаган ўн дона қалам-у ўн дона оддий ручкани ҳам биржа орқали (уларни кўриб, танлаб олиш имкони йўқ, буёғи берганнинг бетига қарама экан) харид қилиб олиш шарт бўлгандан кейин бошқасини гапирмоққа на ҳожат?

Яхшиямки, пойтахтда йигирма-ўттизта эмас, бор-йўғи ўн битта уй-музей бор экан. Шу ўн бир уй-музейни кўрса кўргулик қилиб, ички туризм йўл харитасига киритилса, зарар бўладими? Наҳотки уй-музейлар худди ўгайга ўхшаб қолганлиги на тегишли вазирликдаги, на туман ҳокимиятидаги раҳбарларнинг хаёлига келмаётган бўлса? Ахир уй-музейлар ҳам илм, маънавият ва маърифат масканлари-ку! Нега уларни кўриб кўрмаганликка, билиб билмаганликка оламиз? Бундан кимга фойда-ю, кимга зарар? Ёки улар “маданий мерос”нинг қолипига сиғмайдими? Балки уй-музейларни маданий мерос рўйхатига киритиш учун ҳукумат қарори керакдир? Балки “оғримаган бошимни оғритиб нима қиламан?” деган жанобларга уй-музей тарихнинг бир парчаси, қадрият, маънавият ва маърифат ўчоғи, илмий маскан эканлигини, ёшларимизни ўз халқининг машҳур кишилари ҳаёти ва эл-юрт равнақи йўлидаги ибратли ишлари билан яқиндан таништиришда тарихимиз ва қадриятларимизнинг маълум бир қирраларини ёдга солиб тургувчи қутлуғ бир даргоҳ эканлигини ётиғи билан тушунтирмоқ керакдир?!

Ўзбек миллий мусиқа санъати алломаси, академик Юнус Ражабий билан буюк адиб Абдулла Қаҳҳор уй-музейлари шаҳарнинг қоқ белида (Яккасарой туманига қарашли) ёнма-ён жойлашган. Бу икки қадрдон дўстнинг бири миллий мусиқамиз санъати, бири миллий ҳикоячилигимиз довруғини дунёга достон қилган улуғ инсонлар эди. Уларнинг музейларидаги кишини ҳайратга солувчи ашёлар воситасида босиб ўтган ҳаёт йўллари, яратган бетакрор асарлари ҳақида мароқли ҳикоялар тинглаш ёшларимизнинг миллий мусиқамиз ва адабиётимизга бўлган қизиқиш ва меҳрини оширишга, кенг дунёқарашли бўлишларига хизмат қилмайдими?! Ўзининг ўтмишига, адабиёт ва санъатига ҳурмат ва муҳаббат билан қарашга ундамайдими?! Олдига қўйган мақсадига етиш учун изланишга, янгиликка интилишга, яратишга даъват этмайдими?! Менимча, масалага шу нуқтаи назардан қаралса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Абдулла Қаҳҳор уй-музейи ҳақида гап кетганда, энг аввало, шуни айтиш керакки, адибнинг рафиқаси — таниқли таржимон Кибриё Қаҳҳорова (адиб вафотидан кейин) аёл боши билан елиб-югуриб, бошини юз бир эшикка уриб, не-не машаққатлар билан ўттиз беш йил муқаддам уйини музейга айлантирган экан. Яхшиямки, бу музейнинг Санобархондек тиниб-тинчимас, фидойи ва жонкуяр директори бор эканки, у ва фидойи инсонларнинг ташаббуслари-ю саъй-ҳаракатлари билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жиззах давлат педагогика университети, Тошкент шаҳридаги Турон кутубхонаси билан Абдулла Қаҳҳор номли маҳаллада, шунингдек, унинг ўзи яшаган қутлуғ хонадонда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлару жамоатчилик вакиллари иштирокида адиб таваллудининг 115 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий, адабий-илмий тадбирлар ўтказилиб, Абдулла Қаҳҳор умри боқий асарлари билан миллионлаб китобхонларнинг қалбида яшаб келаётгани, ҳикоялари, қисса ва романлари, саҳна асарлари-ю, бугун ҳам долзарб ҳисобланган мақолалари ижод аҳли учун бундан кейин ҳам намуна мактаби бўлиб қолиши, ёшларни меҳнатсевар, ҳақгўй, адолатпарвар, адабиётга меҳр-муҳаббатли қилиб камол топтиришда алоҳида ўрин тутиши фахру ифтихор ила бот-бот эътироф этилди. Бу адолатпарвар ёзувчи — Абдулла Қаҳҳор ҳамиша биз билан эканлигини, замон нафаси уфуриб турган қатор-қатор асарлари севиб ўқилаётганлигини англатмайдими?!

Кўпчилик уй-музейларда илмий ходимлар борлигини билмаса керак. Тўғри, улар бекорчи эмас. Ишлари бошларидан ошиб-тошиб ётганлигини ҳам кўрдим. Бироқ “бола йиғламаса...” деганларидек, мен кейинги йилларда республика газеталарида уй-музейлар илмий ходимларининг (тақдир тақозоси билан кўрмай қолган бўлсам, узр) у ёки бу мавзуга бағишланган мақоласини ўқиганим йўқ (балки, илмий ходим номи бор-у, ўзи йўқдир). Ваҳоланки, уй-музей ва унинг архивидаги хазинани илмий ходимдан яхши биладиган киши бўлмаслиги керак. Илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларидан келганлар “ишим битгунча, эшагим сувдан ўтгунча” қабилида иш битириб кетаверадилар. Аммо кўзга кўриниб турган янгилик ёки муаммо ҳақида уй-музей илмий ходими билан ҳамкорликда мақола ёзиб, матбуотда эълон қилишни эп кўрмайдилар, шекилли (эҳтимол, бунинг улар учун қизиғи йўқдир). Яна бир гап. Уй-музей архиви материалларидан самарали фойдаланган тадқиқотчиларнинг хориждаги қайси бир илмий журналда (диссертация шарти учун) чиққан мақоласидан бизга нечоғли фойда? Хабарга ўхшаган ўша илмий мақоланинг фанимиз равнақига ёки бирон-бир соҳанинг ўсишига аҳамияти бормикан? Бўлса, нега унинг илм-фандаги ёки ишлаб чиқаришдаги самараси хусусида гапирмаймиз? Тадқиқотчи ўша илмий мақоласига сарфлайдиган пулини ўзида қолдириб, илмий ижод маҳсулини ўзимиздаги соҳа журналларида эълон қилгани маъқул эмасми?! Умуман, диссертация ҳимояси учун хорижий илмий нашрларда мақола эълон қилишда бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашадиган вақт келмадими?! Ахир иқтисодиёт, техника, тиббиёт, тарих, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар бўйича ёқланган неча юзлаб диссертациялар хориж учун эмас, бизнинг ўзимизга, давлатимиз равнақига керак-ку! Демак, уй-музейлар илмий ходимлари (уларнинг илмий тадқиқот билан шуғулланиши музейга келганларга теша тегмаган фикрларни тақдим этишда, шунингдек, мавжуд материалларни бойитиш ва тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга) фаолиятини аниқ мақсадга йўналтириш, бунинг учун уларнинг шарт-шароитларини яхшилаш ва моддий манфаатдорлигини илмий муассасалар тадқиқотчилари даражасига тенглаштириш масаласи ҳам борки, унинг ҳал этилиши илм-фан, адабиёт ва санъат, маънавият ва маърифат ривожи учун жуда-жуда зарур. Иккинчидан, уй-музей атрофида мактаб, олий ўқув юрти ва қатор-қатор ташкилотлар бўлса-да, уларнинг раҳбарлари ёнларидаги ана шу бебаҳо хазинадан бахраманд бўлиб, маънавий озуқа олишни унутиб қўйганга ўхшайдилар. Бу борада туман ҳокимлиги ва унинг маънавият ва маърифат бўлими бош-қош бўлса, хайрли бўлур эди. Яна бир муҳим масала. Уй-музейлар (айниқса, экскурсия ўтувчилар. Аслида, улар мутахассис бўлгани маъқул) ходимларининг малакасини (билимдонлигини) мунтазам ошириб бориш лозим. Агар экскурсовод “ўтлаб” кетса (шунақаси ҳам бўлиб туради), билингки, у бугун бўлмаса, эртага уялтириб қўйиши ҳеч гап эмас. Энг муҳими, уй-музейлардаги иш ўринлари сони ҳам нари-бериси билан ўттиз йилдан буён ўзгармаганга ўхшайди. Айрим уй-музейларда олий ўқув юртини битирган музейшунос мутахассисни учратмайсиз. Улар етарли бўлса-да, маоши камлиги учун уй-музейларга қайрилиб ҳам боқмас эканлар. Иш кўлами тобора ортиб бораётган бир пайтда ходимлар сони ҳам талабга мувофиқ бўлса, ишнинг сифат ва самарадорлиги ортмай қолмайди. Шуни ҳам айтиш керакки, уй-музейларга саёҳат бепул қилиб қўйилган. Демак, бу уларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Буларнинг бари уй-музейларнинг бундан буён ҳам маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол иштирок этишлари, изланишларни изчил олиб бориб, музейни янада бойитишларида янги-янги имкониятлар эшикларини очиб бериши шубҳасиз. Бу эса уй-музейларнинг ташқи дунё билан илмий-ижодий ҳамкорлик ришталарини боғлашларида ҳам асқатади деган умиддамиз. Хуллас, маънавият ва маърифат ҳар биримиз учун сув ва ҳаводек зарурлигини, ҳаётимизда тутган ўрни беқиёс эканлигини теран англаган инсон борки, уй-музейга қучоқ очишдан, унинг серқирра фаолиятини янада юксалтириш йўлидаги савоб ишдан ўзини четга тортмаслигига астойдил ишонгимиз келади.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ўқитувчиси.

ҒОЛИБЛАР МУНОСИБ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

3-б.

— Ушбу танловда “Қувончли қайғу” номли ҳикоя билан қатнашиб, 2-ўринга сазовор бўлдим, — деди Божхона институти ходими Баҳодир Мардонов. — Бу асар Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, мардларча ҳалок бўлган бобом ҳақида, унинг сафдошлари хотиралари асосида ёзилган. Ғолиблар сафида бўлганимдан хурсандман.

Тадбирда ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг пул мукофоти ва совғалари топширилди, Ватанни мадҳ этувчи шеърлар ўқилиб, куй-қўшиқлар янгради.

УСТОЗ ЖУРНАЛИСТ ХОНАДОНИДА...

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва уюшманинг ҳудудий бўлимлари томонидан журналистика соҳасида узоқ йиллар фаолият кўрсатган, барчага намуна бўлиб келаётган фахрий ижодкорлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш, уларнинг тажрибасини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатиш мақсадида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш анъанага айланган.

Ана шундай учрашувнинг навбатдагиси фахрий журналист Убайдулла Сирожевнинг хонадонида бўлди.

Уюшманинг Самарқанд вилояти бўлими раиси А.Ҳайдаров яқинда ўзининг қутлуғ 65 ёшини қарши олган устоз журналистни тавалуд айёми билан қутлади.

— “Устоз-шогирд” анъанаси барча соҳада муҳим аҳамият касб этади. Шу боис сиз каби устозларнинг бой тажрибаси ва ижодий маҳоратини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди А.Ҳайдаров.

Матбуот соҳасида 40 йил меҳнат қилган Убайдулла Сирожевнинг мушоҳадали мақолаларини муштарийлар ҳозир ҳам турли нашрларда ўқишга одатланган.

Самимий суҳбат жараёнида фахрий журналистнинг касбий фаолияти давомида эришган ютуқлари тилга олинди.

— Касбдошларим йўқлаб келганидан жуда мамнунман, — деди У.Сирожев. – Бугунги суҳбат камина ҳам ишлаган “Зарафшон” газетаси таҳририятида бўлган қизиқарли воқеаларни эслашимга сабаб бўлди. Бу, албатта, ҳар қандай ижодкорга завқ бағишлайди, янада куч ва ғайрат билан ижод қилишга ундайди.

Узоқ йиллар матбуот соҳасида меҳнат қилган фахрий журналистга ташаккурнома билан эсдалик совға топширилди.

“ХАТИРЧИ ҲАЁТИ”ДА ИЖОДИЙ МУЛОҚОТ

Хатирчи тумани ҳокимлиги муассислигидаги “Хатирчи ҳаёти” газетаси ташкил этилганига 90 йилдан ошди. Ўтган даврда таҳририятда фаолият олиб борган, ўз касбининг жонкуяри бўлган журналистлар туман ҳаётини ёритиш йўлида жонбозлик кўрсатишди.

Бугун ҳам мазкур газета Хатирчи туманининг маънавий ҳаётида муҳим ўринга эга нашр ҳисобланади.

Куни кеча Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими раиси Отабек Аслонов мазкур таҳририятда бўлиб, ижодий жамоа билан мулоқот қилди. Ушбу мулоқот жараёнида таҳририятнинг бугунги фаолияти ҳамда келгуси режалари хусусида устоз журналистлар билан суҳбатлашилди.

Айни пайтда “Хатирчи ҳаёти” газетасига Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Исроил Холбоев муҳаррирлик қилиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, Уюшма вилоят бўлими ташаббуси билан 2022 йил август ойидан таҳририят қошида Исроил Холбоевнинг “Маҳорат мактаби” ҳам ташкил этилган.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

УМР ИБРАТИ

МАЪНАВИЙ УЙҒОҚЛИК

ёки таниқли журналист, маънавият фидойиси Обиджон Маҳмудов Довоний портретига чизгилар

Водийнинг кўҳна ва сирли меъморий ёдгорлиги Мингтепа ҳақида илк бор эшитганимда бир инсоннинг номи қўшиб айтилган эди. Обиджон Маҳмудов, тахаллуси Довоний дея. Аммо у киши билан учрашиш насиб этмаганди, чунки Тошкентда ишлаган пал-лалари экан.

Бунгача эса Мингтепа археологик ёдгорлиги ҳақида қатор туркум кўрсатув ва лавҳалар тайёрлаш жараёнида, ушбу Довон давлатининг қадим пойтахти ҳақида озми-кўп маълумотларга эга бўлдим.

Кейинроқ Обиджон ака билан танишдим. Мингтепа ёки қадим Эрши ҳақидаги тасаввурларим у киши туфайли яна ҳам кенгайди, ҳар бир тепалик ҳақида етарлича далил ва ривоятлар билан ижодий қуроллантирди. Обиджон ака билан Мингтепа ҳақида суҳбатлашиш асносида жуда ҳам катта салоҳият, кучли хотира, сўзамоллик, жонкуярлик, ватанпарварлик мужассам эканини кўрдим. Ҳали-ҳануз ундаги мана шу фазилат кучайса кучайганки, пасаймаган. Ҳамон тарих учун, Мингтепа учун, Андижон қўзғолони раҳнамоси Дукчи Эшон ҳақидаги ҳақиқатларни тиклаш учун тинмай изланишда.

Айниқса, Мингтепа тарихини қадамма-қадам билиши ҳайратга солади. Тепаликлар ҳақидаги далиллар, ким, қачон қандай ашёлар топган — бари унинг қоғозларидагина эмас, балки хотирасида ҳам шундоқ турибди. Бошқача айтганда, “Боқий ва кўҳна Мингтепа” китобининг ҳар саҳифаси унинг қалбида ҳам мужассам. Ватанни севиш, унинг тарихи, бугуни ва эртасига дахлдор бўлишни Обиджон Маҳмудовдан ўрганса арзийди.

Мингтепанинг пасту баландида болалиги ўтган бу инсон Андижон Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетини муваффақиятли тугатган бўлса-да, ҳаётини газеталар билан боғлади. Аста-секин маънавий-маърифий ҳаёт унинг умр мазмунига айланди. 1982-1984 йилларда Тошкент Олий партия мактабининг журналистика факультетида тингловчи бўлиб, олий даргоҳни имтиёзли диплом билан тамомлади. 2001-2003 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўрганиш ва тарғиб қилиш Марказини бошқарди ва 2007 йилга қадар шу олий таълим масканининг “Фалсафа” кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида ишлаб, талабаларга билим бериб келди. 2007 йили Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ишдан ажралмаган ҳолда тахсил олиб, “Миллий истиқлол ғояси” фани бўйича мутахассисликни эгаллади. Шу фан бўйича ўзининг электрон дарслигини яратишга муваффақ бўлди.

Яна бир катта ишнинг – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтида илк ёзма маданиятимизнинг ноёб дурдонаси, муқаддас “Авесто” ёзма ёдгорлиги билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларини ҳам амалга оширгани тахсинга лойиқ. Шу билан бирга, университетда “Миллий тафаккурни ёшлар онгига сингиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини қарор топтиришнинг назарий ҳамда услубий масалалари” мавзусида давлат гранти бўйича илмий гуруҳ таркибида самарали изланишлар олиб борди.

Обиджон Маҳмудов тиниб-тинчимас ижодкор, изланувчан, янгиликка ўч тадқиқотчи. Бугунга қадар 300 дан зиёд илмий, тарихий, маънавий-маърифий ва тарбиявий мавзулардаги мақолаларни чоп эттирди, кейинги ўн йил мобайнида иккита тарихий очерк, битта тарихий қисса ва монографиясини кенг илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилди.

Қадрдон юрти — Мингтепага қайтгач, 2009-2011 йилларда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” Демократик партияси Марҳамат туман кенгаши ижроия қўмитасининг раиси вазифасида ишлади. Сиёсат билан биргаликда ижодда изланишдан тўхтамади. Маданиятшунослик ва ахлоқшунослик фанларидан электрон дарсликлар яратди.

1997-1998 йилларда Андижон қўзғолонининг 100 йиллигига бағишлаб “Мингтепалик Дукчи эшон” ва “Дукчи эшон авлодлари” номли тарихий-хронологик очеркларини чоп этди. Унинг “Зулматга қарши исён” номли монографияси эса мустақиллик даврининг неъматидир. Тарихимизга бўлган ҳурмат ва эътиқоди учун қалби уйғоқ ижодкорга “Антик дунё” халқаро илмий академияси доценти унвони берилган. Ва айнан унинг она Ватан тарихига муҳаббати, маданий меросларни асраб авайлашга бўлган кучли иштиёқи меҳнат фаолиятини 2011 йилдан бошлаб, Андижон вилояти маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекциясининг Марҳамат тумани бўйича инспектори вазифасида давом эттиришига омил бўлди.

Аслида, Обиджон Маҳмудов қайси соҳада ишламасин, ниҳоятда жонсарак, талабчан, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашди, шунинг учун ҳам кенг жамоатчилик орасида истеъдодли журналист, ёзувчи, моҳир педагог ва жамоат ишларининг тиниб-тинчимас ташкилотчиси сифатида танилди, қадрланиб келинмоқда.

Шу ўринда у билан ҳамкор, ҳамфикр бўлган инсонларнинг у киши ҳақидаги фикрлари сўзимизни янада тасдиқлайди.

Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Обиджон Маҳмуд Довонийнинг қалби ҳамиша уйғоқ. У элим деб, юртим деб, ёниб яшашни ўзига одат, кундалик фаолият мазмуни деб билгувчи инсон.

Улуғбек ҲАМДАМ,
филология фанлари доктори, профессор, ёзувчи:

— Обиджон Маҳмудов Довоний ҳақиқий мингтепаликдир. Шу маънода у киндик қони тўкилган юртининг хаёли билан ётиб, яна унинг хаёли билан уйғонади.

Ҳар икки таниқли ҳамюртимизнинг фикрларидан бир нарсани, яъни Обиджон Маҳмудов катта ҳарфлардаги ВАТАНПАРВАР эканини илғаш қийин эмас.

У Ватан тарихи, кечмишлари, бугуни ва эртасига оид ҳеч бир янгиликка бефарқ эмас, ҳеч бир ўзгариш унинг назаридан, таҳлилидан ўтмай қолмайди. Ҳамма соҳада, айниқса, маънавий-маърифий, таълим-тарбиядаги масалаларга бефарқ эмас. Дахлдорлик ҳисси билан яшайди. Бунга биргина исбот, 2023 йилнинг 22 декабрида Президентимиз раислигида бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида кўтарилган долзарб масалаларга муносабат билдириб, Давлатимиз раҳбарининг фикрларини қўллаб-қувватлаб, шундай дейди:

“Бугунги таҳликали замонда ғоявий тарқоқликни мақсад қилиб, зимдан иш кўрувчи ташқи кучлар бор экан, миллат бугун бир тан, бир жон бўлиб, Янги Ўзбекистон ғоясига, шунингдек, жадид боболаримиз васиятларига содиқ бўлишимиз кераклигига даъват этдилар-ку!”.

Ҳа, ёшларимизнинг фидойи инсон Обиджон Маҳмудовдан ўрганадиган жиҳатлари жудаям кўп. Айниқса, илм олиш борасида. У ҳамон изланишда. Шу кунларда Бобур халқаро илмий экспедицияси билан ҳамкорликда Андижон қўзғолони раҳнамоси Дукчи Эшон ва унинг авлодлари ҳақида тинимсиз изланиш олиб бормоқда.

Шу билан биргаликда ижод қаламини чархлаб, босиб ўтган умр йўлларида чиқарган хулосаларини жамламоқда.

Мана, Обиджон Маҳмудовнинг ҳаётий ҳикматларидан намуналарга эътибор қаратинг-а:

Ўзингга паноҳ тополмасанг, бола-чақангга қаердан паноҳ топасан?

* * *

Камбағаллик Ватанда ҳам ғурбатдир, агар на илминг ва на касб-ҳунаринг бўлмаса.

* * *

Комиллик – бу юксак онг эгаси демак.

* * *

Дунё гўзалликларини қалб кўзи ҳис қила олган одам дунёдаги энг маънавиятли, энг гўзал ва энг бахтли одамдир. Аксинча бўлса, бундан қалби уйғоқ бўлган кар, соқов ва кўр одам яхшидир.

Шу кунларда 70 ёшни қаршилаб, ана шу қутлуғ ёшда ҳам ижоддан, изланишдан тўхтамаган катта қалб эгаси, маънавий уйғоқликнинг чин ибрати – Обиджон Маҳмудов Довонийга саломатлик, куч-қувват, ижодий янгиликлар тилаб қоламиз.

Матлуба ЮСУПОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

МУШОҲАДА

ГАЗЕТА ТАРҚАТИШДА ҲАМ “МАҲАЛЛАБАЙ” ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛСА...

ГАЗЕТА ЎҚИСАК...

...Қишлоққа бордим. Ота ҳовлимизнинг кириш дарвозаси эшигида почта қутиси бор. Укам ўшани олиб ташламоқчи бўлиб турган экан. Ҳовлиқиб сўрадим:

— Нима қиляпсан?

— Шуни олиб ташламоқчиман!

— Нега?

— Барибир неча йиллардан бери бу қути бўш турибди-ку. Энди почтачи газета-журналлар олиб келмаса...

— Газета-журналлар келиши учун уларга обуна бўлиш керак. Обуна бўлганмисан?

— Йўқ.

— Обуна бўлмасанг, ким олиб келади?

— Э, обуна бўлсак ҳам почта олиб келмайди...

— Укажон, барибир тегинма. Бу почта қутиси менга болалигимни эслатади...

Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев барча соҳалар ривожи учун сервис хизматларини яхшилаш лозимлигини таъкидлаб келмоқда. Сервис хизматлари инсоннинг фақатгина маиший, тиббий, диний эҳтиёжларини қондириш эмас, одамларнинг маънавий савиясини юксалтиришга ёрдам берадиган жараёнларни вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳам демакдир. Бу нарса халқимизнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш учун хизмат қиладиган вақтли газета-журналлар обунаси ва уларнинг жойларга етиб бориши учун ҳам дахлдордир. Бу эса ижтимоий ҳаётнинг, ижтимоий онгнинг янада ривожига хизмат қилади. Қандай қилиб?

Бугун вақтли нашрларга обуна масаласида кўмак берувчи “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти ва унинг ҳудудий бўлимлари, “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси ва умуман соҳага хизмат қилувчи, кўмаклашувчи ташкилотларнинг бу борада аҳолига хизматларини ижобий дея олмаймиз. Улар фақатгина давлат ташкилотлари ва корхоналарининг вақтли нашрларга обуна бўлишларини ташкил этиш билан чекланмоқда. Чунки уларнинг газета-журналларга обуна бўлишларига маблағ ажратилган. Кўринадики, бирор муассасада ишлайдиган одамларгина вақтли нашрлар ҳақида тушунчага эга. Шунда ҳам фақат иш фаолиятига оид газета-журналлар атиги бир донадан бир неча ўнлаб ёки юзлаб ходимлари бор муассасага келади. Уларни эса барча ходимлар ўқишига кафолат ҳам, имконият ҳам йўқ.

ГАЗЕТА ЎҚИТСАК...

Бугун юртимизда “Хонадонбай”, “Маҳаллабай”, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ишлаш тизимлари Юртбошимиз томонидан алоҳида назоратга олинганлиги бежиз эмас. Тасаввур қилайлик, чекка туман ва қишлоқларимиз маҳаллаларининг бугунги қиёфаси замонавий шаҳарлар билан таққосланмоқда. Бироқ хонадонлар ва маҳаллаларнинг ободлиги инсон маънавий қиёфасида ҳам акс этса, нур устига нур бўларди.

Фуқаролар билан суҳбат жараёнида шу нарса ойдинлашдики, одамлар мутолаа қилишлари учун газета-журналлар керак. Улар ижтимоий тармоқлардаги фирибгарликлардан чарчади, киберҳиноятларга қарши кураш чораларини топа олмай ҳалак. Халқимиз тўғри, аниқ, ишончли, таҳлилий маълумотларга, ўқишли нашрларга чанқоқ.

“Чунки одамлардаги янгилик, таҳлилий маълумот, реал воқеаларга бўлган эҳтиёжни биз қондирмас эканмиз, буни бошқалар қилади. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”, — деди муҳтарам Президентимиз куни кеча бўлиб ўтган Хавфсизлик Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида. Фақат буни тўғри тушунтириш лозим.

Шундай экан, ҳар бир маҳаллаларимизда вақтли нашрлар савдоси билан шуғулланадиган енгил конструкцияли “Матбуот” дўконларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу дўконларни солиқдан озод этиб, аҳоли ўқиши муҳим бўлган республика ва маҳаллий нашрларни арзон нархларда хонадонбай етказиб бериш шарти билан келишув асосида иш билан таъминлаш мумкин эмасми? Масалан, ҳафтада бир марта чоп этиладиган “Янги Сирдарё” газетасининг 2024 йил учун йиллик обуна баҳоси 603 000 сўмни ташкил этади. Буни 52 ҳафтага бўлсак, 11 596 сўм 15 тийинга тўғри келади. Маҳаллаларда ташкил этиладиган “Матбуот” дўконларида газета фуқароларга эркин нархда, айтайлик, ўртача 5-6 минг сўмдан сотилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Буни тажриба ўтказиш асносида одамларнинг газеталар учун йиллик обунадан кўра, кундалик арзон нархда сотиб олиши қулай бўлгани учун ҳам шундай йўл тутилса яхши бўларди. Фақат уларга газеталарни ўз вақтида, тизимли равишда етказиб бериш чораларини кўриш керак. Одамлар газеталарни арзон нархда сотиб олиши натижасида уларнинг ададлари сони ортади. Бу эса газеталарнинг таннархи яна тушишига олиб келади. Ўз навбатида бугунги кунда ўзи иқтисодий танг аҳволга келиб қолган таҳририятлар “Қўшимча қиймат солиғи”-дан озод қилинса. Бу ҳам газеталарнинг таннархи янада арзонлашувига олиб келади. Бундан ҳам жамият, ҳам давлат манфаат топади.

ГАЗЕТА ЎҚИЛСА...

Республикамиз миқёсида бугунги кунда муассислари катта имкониятларга эга, яъни пули бор тизимларнинг нашрлари бўлган “Ишонч” 35 мингдан зиёд нусхада, “Постда” — “На посту” газеталари эса қарийб 50 минг ададда чоп этилмоқда. Бундай газеталар фақатгина соҳа вакиллари учун. Ҳатто ҳукумат газеталарига ҳам бу нусхада обуна ташкил қилинмайди. Тўғри, йилнинг кейинги ойларидан бир кунда 50-60 минг нусха тираж қўшиладиган ҳолатлар ҳам бор. Аммо бу тизимли равишда обуна ишларининг йўлга қўйилганини билдирмайди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси ва айрим вилоятлар кесимида газеталарнинг 2024 йил бошида қуйидаги ададларда нашр этилаётганига эътибор қаратайлик:

“Эркин Қорақалпоғистон” газетаси — 899 нусхада ;

“Вести Каракалпакстана” — 216 ;

“Қорақалпоғистон маданияти” — 1300;

“Янги Сирдарё” — 1500;

“Новая Сырдарья” — 500.

“Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарининг дастлабки нашрларида адади кўрсатилмаганлигига қараганда, кўз-кўз қиладиган даражада эмаслиги аниқ. Биз таҳририят билан боғланмоқчи бўлдик. Аммо телефон гўшагини ҳеч ким кўтармади.

Ўйлаб кўрайлик, аслида, 2 миллиондан ортиқ аҳолига эга Қорақалпоғистон Республикаси учун агарда обуна кўрсаткичи ўртача 1 фоизни ташкил этганида ҳам газеталари 20 000 ададда чоп этилиши керак эди. Ёки қарийб бир миллион нафар аҳоли истиқомат қиладиган Сирдарё вилояти халқининг 1 фоизи газеталар билан таъминланганда ҳам юқоридагидек ачинарли рақам акс этмаган бўлур эди. Ёки бугун 4 мингдан сал зиёд нусхада чиқаётган “Hurriyat” газетасини ҳам фақатгина ўзини зиёли ҳисобламиш кишилар обуна бўлгани таассуфланарлидир. Наҳотки, мамлакат миқёсида 40-50 минг нафар газета ўқийдиган одам топилмаса?!

Бугун минг афсуслар бўлсинки, миллионлаб хонадонларга газета ва журналлар умуман бормаётганига анча йиллар бўлди. Шу боис “почта қути”лари ҳам осиғлик хонадонлар қолмади ҳисоб.

Нега дейсизми?

Албатта, бугун телефон, интернет бор бўлса, “Газета нега керак?” деган саволлар ўртага ташланганига ажабланмаса ҳам бўлади. Шу ўринда ҳазил бўлса-да, эсга тушиб кетади. Ҳатто баъзи бир ўзини психолог, руҳшунос, артист деб атагувчилар орасида “Эр нимага керак?” деб турганда, бу гапларга ҳам кулиб қўйишдан ўзга илож йўқ, шекилли.

Энди сўзимизни жиддий давом эттирадиган бўлсак, 10 мингдан зиёд ўрта мактабларда таълим-тарбия олаётган ўқувчиларнинг то мактабни битириб кетгунларича ақалли бир нусха болалар нашрларини қўлига ушлаб кўрмай, таълим даргоҳини тамомлаб кетаётгани, улар камолга етаётган хонадонларга эса бирорта газета-журналлар бормаётганидан сўнг “одамлар газета-журнал ўқимайди” деб нега хафа бўламиз?!

Ҳар бир ота-она фарзандларининг ўқишларини назорат қилиб турмаса, самарасиз ўйинга берилиб кетишлари шубҳасиз. Давлат ҳам фуқароларининг маънавий савиясини юксалтириш учун қайсидир маънода уларга шароит яратиб бериши лозим. Жамиятнинг маънавий онги ва давлат томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар шундагина бир-бирига ҳамоҳанг бўлади.

Баҳром БОЙМУРОДОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

КЕЧИНМА



МИГРАНТ

Бугунги ўзбек жамиятида оммавий кўчишларга гувоҳ бўлганимизча йўқ. Аммо унинг кичик шакллари кунда-кунора кўз ўнгимизда содир бўлиб турибди. Бу замонавий тилда айтганда, миграция ҳодисасидир. Умумий олиб қараганда, ҳолат унчалик ҳам ташвишли эмасдек. Аммо йиллар кесимида қараладиган бўлса, афсуски, рақамлар анчагина салмоқли. Статистика маълумотлари ҳар йили минг-минглаб ватандошларимизнинг чет элларга жўнаб кетаётгани ва уларнинг маълум қисми ўша ерларда умрбод қолиб кетаётганини тасдиқлаб турибди. Бу эса қайсидир маънода ватан тушунчасининг кенгайиб бораётганини ҳам кўрсатаётгандек гўё. Одам ўзига қаерни макон тутса, ўша ер унинг ватанидир, деган гаплар охирги пайтлар тез-тез қулоққа чалиняпти. Лекин неча асрлар аввал ўтроқ яшаш тарзига кўниккан ўзбек учун илдизи ботиб турган тупроқдан узилиб кетиш осон иш эмас.

* * *

2021 йил, август.

Хизмат юзасидан бир ой муддатга Россияга борадиган бўлдик. Биз раҳбарлар гуруҳида, қолган ҳарбийлар эса жамоа-жамоа бўлиб бепоён ўлканинг турли нуқталарида ўтказиладиган мусобақада иштирок этади. Аввалига ҳаммамиз Москвадаги бир меҳмонхонага жойлашдик. Бошқа иштирокчи давлатлар жамоалари етиб келганидан сўнг йиғилганлар йўналишига қараб ҳар жойга тарқаб кетади.

Кечки овқатдан кейин тўртинчи қаватнинг умумий балконига бош суқаман. Кимдир тамаки тутатиб ўтирибди, кимлардир гурунглашиб, яна кимлардир эса шунчаки атрофни томоша қилиш, вақтни ўтказиш учун шу ерда. Бошқа-бошқа давлатлардан келган, бир-бирининг тилига тушунмаса-да, имо-ишора билан гаплашиб турганларни ҳам учратасиз. Одамлар ичидан фуқаро кийимидаги ўзимизнинг ҳарбийларни ажратиб олиш қийин эмас. Секин кузатиб туриб, уларнинг шу ерда ишлаб юрган қариндошлари, оғайнилари келганини кўраман. Бу уларнинг гап-сўзларидан, ҳеч бир сабабсиз бир-бирини қайта-қайта бағрига босишидан сезилиб турарди. Айниқса, улар ичида бухороча шевада гаплашаётган икки қадрдоннинг хатти-ҳаракатлари яққол кўзга ташланади.

— Ҳаҳ, акам-а, акам! Мани кўргани келибсиз-да! Қандай зўр бўлди-ей! Сменамни топширдим-у, бу ёққа қараб учдим. Ойимга қўнғироқ қилайлик. Ҳа, “видеовызов” қилинг.

Ака чўнтагидан телефонини чиқариб, қўнғироқ қила бошлади. Телефон экранида аввал қоп-қорайиб ўзлари, сўнг экран четида нурдай ёришиб, бир онаизор кўринди.

— Ассалому алайкум, онажон!

— Ва алайкум ассалом. Иби, бачам, укангни топиб олдингми?

— Онажон, ассалому алайкум, қаранг, мани кўргани ким келди? Акам мани излаб келибди, онажон! Шундай хурсанд бўлдим, акам билан мазза қилиб гаплашиб ўтирибмиз, онажон. Ўзингиз яхшимисиз, қариндошлар зўрми, ҳай?” — Аканинг ўрнига ука ҳаяжон билан гапириб кетди.

— Раҳмат, бачам, соғ-саломатман, қариндошлар ҳам зўр. Ўзинг яхшимисан? Келин, бачаларинг катта бўлоптими? Ака-ука яна топишибсизлар-да, а? Кўз тегмасин сизларга, болажонларим.

— Ман яхши! Акамнинг келганини эшитиб, кайфиятим кўтарилди, шунга озгина... Ҳозир сизларни, ёшлигимизни эслаб, гаплашиб ўтирибмиз.

Ўғлининг гапларини эшитиб турган она жилмайиб қўйди-да, катта ўғлидан сўради:

— Сан яхши етиб олдингми, жойлашдингларми?

— Ҳа, онажон, жойлашиб олдик. Индинга ерталаб Воронежга учиб кетамиз. Дуо қилиб туринг, юзимиз ёруғ бўлсин.

— Ҳар куни дуо қиляпман, бачам. Омадларингни берсин.

Ака-ука қўлларини елкалари устидан ошириб олганча оналари билан кулиб-кулиб узоқ гаплашди. Фақат ҳар икки томон ҳам худди бир-бирига билдиришни истамагандай беихтиёр кўзларидан думалаётган ёшларни тез-тез кафтлари билан артиб қўярди. Бировларнинг сухбатини тинглаш беодоблик бўлса-да, бу суҳбатдан, оғриғи дилда тошдек қотадиган саҳна қаршисидан муштоқ бир томошабиндек узоқ кетолмай қолдим...

* * *

Қўлдаги ликопчани ўйнатганча меҳмонхонанинг ҳашамдор ошхонасидан егулик қидирамиз. Қани энди ўзимизнинг миллий таомларга ўхшаш бирор овқат топилса. Бир пайт ўзим номини ҳам билмайдиган овқатлар ёнида тўхтаб, олсамми-олмасамми, деб ўйланиб турсам, озғиндан келган бир ошпаз кийимидаги йигит ёнимга келиб, секин пичирлаяпти:

— Буларни еманг, ҳалолмас. Мана бу, мана бу ва мана булар — ҳалол. Бемалол еяверинг, ўзимиз пиширганмиз, — деб кулиб турибди.

Унинг ростгўйлигидан қанчалик хурсанд бўлган бўлсам, дабдурустдан ўзбекча гапириб юборганидан ўшанчалик ҳайрон бўлиб қолдим. Секин разм солсам, бу ерликка ҳам ўхшамаяпти.

— Ўзбекмисиз?

— Ҳа, Намангданман, ака. Бу ерда қирғиз, тожиклар ҳам бор.

Шу-шу ошхонадаги, меҳмонхонадаги ватандош ва қардош ишчи-хизматчилар билан гурунглашиб турадиган бўлдик. Уларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити бизни доим қизиқтирарди. Бир сафар юртимизга қўшни бўлган давлатдан келиб, меҳмонхонанинг техник ходими бўлиб ишлайдиган Асқар деган йигит билан танишиб қолдик. Оиласи билан шу ерда яшаркан. Фуқаролик олишга ҳам улгурибди.

— Асқар, уйга қачон қайтмоқчисиз энди? — деб сўрайман.

— Билмадим, қайтгим келади-ю, лекин... Ўғлим тўрт ёшга тўлганида бир ой таътил олиб, оилам билан қишлоққа боргандик. Уч йил олдинги гап бу. Ярим кечаси ҳаммамиз ухлаб ётибмиз. Бир пайт қаттиқ шовқин-сурондан уйғониб кетдим. Карахтлигимдан нима бўлаётганини англолмаяпман. Деразани очиб, ташқарига қарасам, одамлар қўлига илинган нарса билан у ёқдан-бу ёққа югуриб юрибди. Ўшанда биринчи марта ўқ овозини эшитдим. Ўғлим қўрқиб кетганидан онасининг қўйнига кириб кетган. На ташқарига чиқишни биламан, на қолишни. Шундан бери уйга оилам билан бирга боришга ҳайиқаман. Таътилни ҳам шу ерда ўтказишга одатландик. Ўғлим ўшанда қаттиқ қўрққан, шекилли, бир-икки марта овулга оборайми, десам, энди бормайман, дейди. Шунақа гаплар-да, тувғаним.

Секин бош ирғиб яна гапга солгим келади:

— Қачондир қайтиш ҳақида ўйласангиз керак, барибир?

— Ҳа, лекин қачонлигини ўзим ҳам билмайман. Отамга пул жўнатиб турибман, ер сотиб олиб, ўзим учун алоҳида уй қуряпти. Шу йил томини ёпамиз.

* * *

2019 йил, август.

Ўша манзил, ўша-ўша мусобақалар. “Танк биатлони” булар ичида энг томошабопи. Мусобақа авж паллага кирган кунлар полигонга минглаб одам ёғилиб келганидан, бўш ўриндиқ топиш амримаҳол. Чемпионат томошаси бир томон-у, рақибимиз — зимбабвелик қора танли мухлислар қўяётган томоша бир томон бўлади. Улар ажабтовур чолғуларини баралла чалар, ажойибу ғаройиб рақсларга тушиб, ҳамманинг эътиборини ўзига тортар, кулдирар эди. У пайт эса бизнинг танкчиларимиз ҳаммадан биринчи бўлиб финиш чизиғига етиб келиб, ҳордиққа шайланиб турарди. Зимбабве мухлислари бўлса, ҳалиям жарима айланасида юрган бечора вакилларига эътибор ҳам бермай, мухлисталаб санъаткордек ўз ишини давом эттиради. Мусобақада пешқадаммиз, лекин нимагадир кўнглимиз тўлмайди...

Навбатдаги босқич бошланишига саноқли лаҳзалар қолди. Жамоалар бирин-кетин таништириляпти. Ана, ўзимизнинг қоракўзларнинг исм-фамилияси ўқилиб, Ўзбекистон жамоаси, деб баралла эълон қилинди. Шу пайт не кўз билан кўрайликки, биз томонга (шерикларимиз байроқ кўтариб турганди, мўлжални шундан олишган, бўлмаса, минглаб одам ичидан топишнинг ўзи бўладими?) юз-кўзига ўзбек деб ёзиб қўйилган бир гуруҳ йигитлар кела бошлади. Бу худди кинолардагидек содир бўлаётгани ҳам одамни ҳаяжонга соларди. Минг йиллик қадрдонлардек қучоқ очиб кўришганимиздан сўнг: “Бизга ҳам байроқ беринглар”, деб қолди. Йигитлар байроқларни баланд кўтариб, бор овозда “Ўз-бе-кис-тон!”, “Ўз-бе-кис-тон!” дея тинмай бақирарди. Уларга қарайман-у, томоғимга нимадир тиқилади. Танк қаршисида “старт”ни кутиб турган экипажимиз аъзолари ҳам биз томонга бир зум тикилиб қолди. Ҳа, улар бизни аниқ кўриб туришганди.

Худо юзимизни ёруғ қилди! Бу босқичдан ҳам муваффақиятли ўтиб, финалга йўлланма олдик. Мусобақа тугагач, мусофир юртдошлар билан яқиндан танишдик. Суннат деган йигит ёнидагиларга ишора қилганди, шериклари 4-5 та егуликка тўла пакетларни келтиришди.

— Акалар, бу ернинг овқатига кўниколмаётган бўлсангиз керак, деб у-бу нарса опкегандик, сизларга куч бўлади. Ҳали олдинда асосий кун бор-ку, тўғрими? Қани, марҳамат, — дейди очиқ чеҳралик билан...

Йигитларни кузатар пайтимиз қайси куни финал бўлишини сўраб, албатта, келишларини айтиб кетди. Финалга эса янаям кўп бўлиб келишди. Уларнинг кўплигидан бир қувонсанг, бир дилингдан оғир ғашлик ўтади. Майли, қаерда бўлса ҳам омон бўлсин. Энг муҳими, ўша куни танкчиларимиз жонажон Ўзбекистон ва мана шу мусофирлар ҳаққи-ҳурмати ғалаба қозонди.

* * *

2022 йил, август.

Ўша полигонда, яна шу мусобақадамиз. Беллашув бошланай деб қолган. Қарасам, одамлар орасида Суннат ака ёнида аёли ва ўғли билан биз томонга қараб кулиб келяпти...

* * *

2022 йил, август.

Бошқа бир жамоамиздан хабар олиш мақсадида Санкт-Петербургга бордик. Ҳамроҳ офицер икковимиз хизмат юмушларимиздан бўшаб, шаҳар айланишни ният қилдик. Шаҳар ичидан оқиб ўтувчи дарё бўйидаги пиёдалар йўлакчасида кемага чиқадиган жойни қидириб, каловланиб тургандик, тўғримиздан шошиб келаётган бир йигит қаршимизга тўхтади-да (ўзбеклигимизни билиб):

— Ассалому алайкум, акалар, масжидни излаётган бўлсанглар, шу йўлнинг охирида. Юринглар, бирга борамиз, жумагаям оз қолди, — деди. Қарасак, қўлтиғига жойнамозини ҳам қистириб олган. — Ҳа, уми? Соҳилнинг нариги томонида, одамлар тўпланиб турибди-ку, ўша ердан чиқилади кемаларга, — деганча шошиб йўлига равона бўлди.

Биз эса нариги соҳил томон ошиқдик. Атрофга аланглаб, йўловчилардан бирини бехосдан туртиб юборганимни билмай қолибман. Минг хижолатда:

— Извините, — дея олдим, холос. У эса менга кулиб:

— Ҳечқиси йўқ, ака, — деди-ю, зумда одамлар ичида кўринмай кетди...

Бу ерга келганимиз яхши бўлди. Анча йиллардан бери оиласи билан шу ерда яшайдиган синфдошим Илҳом билан ҳам кўришдик. Ота-онаси, хотини, укаси (синглисини 3-4 йил аввал қўшни қишлоққа узатганди) билан бир хонали уйда ижарада турарекан. Бечора жўрам дардлашгани одам тополмай юрган экан, шекилли, роса “тўкилди”.

— Жўра, қишлоқни, одамларни соғиндим. Ҳеч қаерда ишламасанг ҳам кунинг ўтаверади. Бу ерда бир кун ишламай кўр-чи, ё қарзга ботасан, ё кўчада оч қоласан. Аввалги ишим ўхшамади. Ҳозир бир дачада қоровуллик қиляпман. Хўжайин яхши одам. Кўп ҳам келавермайди, лекин бир келса, роса байрам бўлади-ку. Опкелган нарсаларининг яримлари қолиб кетади. Кейин ўзим маза қилиб ейман, уйгаям опкетаман. Ўзинг яхши биласан-ку, эсимни таниганимдан бери дадам билан аям шу ерда ишлайди. Мактабни битирганимдан кейин мен ҳам келдим. Синглим, укам шу ерда туғилди. Энди-энди оилавий қайтиш ҳақида ўйлаб қоляпмиз. Лекин ҳали укамнинг мактаби бор. Битириб, университетга кирса, кейин қайтмоқчимиз.

— Ие, уканг ўзи қолаверадими?

— Укам “местный” бўлиб кетган, жўра. Университетни битириб ҳам қайтмаслиги аниқ. “Қишлоғингларда нима қиламан?” дейди. Шунча йилдан бери ишлаб орттирганимиз битта уй бўлди, ҳаққига укамни бериб кетамизми, дейман...

* * *

Саҳар телефон овозидан уйғониб кетдим. Қарасам, амакимнинг ўғли Ўткир экан.

— Ассалому алайкум, уста, узр, уйқунгизни буздим. Мен кетаётувдим, болалар қолди. Шунга бир телефон қилай дегандим. Аэропортдаман ҳозир, яхши қолингизлар, — деди қандайдир синиқ оҳангда.

Уйқу аралаш бироз муддат гарангсиб турдим: қаерга кетади, нега кетади?

Ўткир икки ой аввал Америкадан оиласи билан келганди. Мана энди хотини ва уч қизига самолёт учун чипта юбораман, деб ўзи қайтиб кетяпти (дарвоқе, унинг учала қизи ҳам Америкада туғилди. Бирортаси ҳам ўзбек тилини билмайди). Унинг руҳсиз, синиқ гапларидан шуни англадимки, у кўнглини ватанда қолдирганча қуруқ тана ва бир дунё адоқсиз ўй-хаёлларини елкалаганча учиб кетди. Онаси оғир касал, акаси билан янгаси Россияда, икки ўғлини қишлоққа қолдириб кетган. Бечора болаларнинг ота-онасини соғиниб, ичикиб қолганига Ўткир бир неча бор гувоҳ бўлди. “Ака, хотинингни олиб қишлоққа қайт. Қарзларингни ўзим тўлайман. Шу ерда юрсанг бўлди”, деганидан ҳам хабардор эдим. Начора, амакимнинг битта ўзи касалманд хотини ва икки невара парвариши билан овора. Ўткирнинг айтолмаган гаплари шулар эди, аслида.

Бу-ку, Америка орзусида, орзу рўёбида юрган ватандошларимизнинг мингтадан биттаси. Аммо қолган тўққиз юз тўқсон тўққиз нафар (аслида, бу рақам анча катта) юртдошимизнинг ҳам шу ва шу каби кечинмалари, ўзига яраша ташвишлари бор. Яхши биласиз, бугун ёшларимизнинг анча-мунчаси “Америка орзуси”га чалинган. Аслида-ку, уларнинг ҳеч бирини айблаб бўлмайди. Инсон жамиятнинг мутлақо эркин, айни дамда эса унинг асосини ташкил этувчи энг муҳим бўлагидир. У қаерда яшашни истаса, қайси ҳудудда ўзини қулай ҳис этса, ўша ерга талпинади. Аммо ноқонуний йўллар билан бу орзуга эришаман, деган қоракўзларимизнинг қанчадан-қанчаси Мексиканинг ботқоқликларида, чангалзорларида хор-зор бўлиб қолиб кетаётгани оддий бир ватандош сифатида ҳар биримизнинг кўнглимизга оғир ғашлик солади. Шу паллада бежизга шукроналик энг азиз неъматлардан бири дейилмаганига амин бўласан киши.

Туманимиздаги биз бошланғич таълим олган мактаб директори Жалол ака ва қишлоғимизнинг энг сердаромад савдогарининг ёлғиз ўғли ҳам кўп қатори шу “орзу касаллиги”га чалинди. Директор мактабдан бўшаб, савдогарнинг ўғли иккови саргузашт излаб, қонунга хилоф равишда “қайдасан, Америка?”, дея йўлга отланади. Орадан уч ойлар ўтиб, ҳар иккови ҳам анча пулни ҳавога совуриб, тарвузи қўлтиғидан тушганча чегарадан ўтолмай қишлоққа қайтиб келди. Лекин омади чопганлар сони ҳам бор эмиш...

Яқинда “сеҳрли диёр”га йўл олган бир замонавий мигрант у ерга қандай қилиб етиб олиш режасини ижтимоий тармоққа жойлади. У шундай демоқда: “Тошкентдан Туркияга учдик, Туркиядан Мадрид (Испания)га келдик, у ердан 11 соат учиб, дунёнинг нариги тарафига — Мексикага борамиз, Мексикадан самолётда Никарагуага борамиз. У ердан машина ва автобусда Гондурас, Сальвадор ҳамда Гватемаладан ўтиб, яна Мексикага кирамиз. Ҳаммаси шу ерда бошланади, аслида. Ўша ердан самолётда Тихуана деган жойга учиб ўтамиз. У ердан тап этиб Сан-Францискога ўтиб оламиз. Ана ундан кейин Америкада айланиб юраверасиз”. Бу ватандошимиз ушбу видеони ижтимоий тармоққа жойлаганида, ҳали Мадриддан Мексикага учиб кетаётган эди. Унинг кўзлаган манзилига етиб борган-бормагани эса бизга қоронғи.

Аммо осон пул топиш илинжида омонат жоннинг жувонмарг кетиши ачинарли. Унинг ортида қолиб кетаётган неча-неча мунгли кўзлар, умидвор нигоҳлар ҳақида ўйлаш киши қалбига оғриқ беради. Энг катта ўй, масаланинг туб моҳияти ҳам аслида шу. Ахир улар сизнинг, бизнинг ватандошларимиз. Эртага бу ватан корига қалби бутун, кўзи порлаган, яшаш завқини юракдан ҳис этадиган авлодгина ярайди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
“Ватанпарвар” газетаси бўлим бошлиғи.

ХОРИЖ

ХИТОЙ НЕГА “ЧЕККАДА ТУРИШНИ” МАЪҚУЛ КЎРМОҚДА?

Хитой Қизил денгиздаги савдо кемаларига ҳужумлар туфайли савдо хавфи борлигига қарамай, ҳусийларга қарши курашда иштирок этишни истамаяпти, деб ёзди “Bloomberg”. АҚШ ва Буюк Британия Ямандаги исёнчилар позицияларига ҳаво ҳужумларини амалга ошираётган бир пайтда, Пекин “чеккада туришни афзал кўрмоқда”.

Шу билан бирга, Хитой Қизил денгизда хавфсизликни сақлаш глобал савдо ва таъминот занжирлари учун муҳим эканини таъкидламоқда. “Bloomberg” маълумотларига кўра, мамлакат хом нефтнинг қарийб ярмини Яқин Шарқдан импорт қилади ва Европа Иттифоқига АҚШга қараганда кўпроқ маҳсулот етказиб беради.

“Bloomberg Intelligence” маълумотларида айтилишича, Шанхайдан дунёнинг энг йирик портларига тўхтаб ўтиш ставкаларини кузатувчи “Shanghai Containerized Freight Index” индекси ўтган ҳафта 2022 йил сентябридан бери энг юқори даражага кўтарилди. Бу Африка бўйлаб кемаларни қайта йўналтириш зарурати билан боғлиқ қўшимча харажатларни акс эттиради.

Бироқ, “Bloomberg” ёзишича, Хитой раҳбари Си Цзиньпин наздида йўқотилаётган сумма ҳусийларга қарши курашда иштирок этиш учун етарли даражада юқори эмас, унда “иштирок этиш баҳоси иштирок этмасликдан кўра қимматга тушади”. Яқин Шарқда “Америкага қарши кайфият кучайган” бир пайтда Хитой раҳбари аралашмаслик ва ҳакам ролини ўйнашни танламоқда.

СОМАЛИНИНГ ЭФИОПИЯГА ТАҲДИДИ

Сомали Эфиопиянинг Сомалиленднинг ажралган ҳудудини тан олишини ва у ерда порт қуришни тўхтатиш учун урушга киришга тайёр. Бу ҳақда Сомали президентининг катта маслаҳатчисига таяниб, “The Guardian” хабар берди.

Жорий йилнинг 1 январь куни имзоланган англашув меморандуми денгизга чиқиш имкони бўлмаган Эфиопияга Сомалиленд қирғоғида ҳарбий-денгиз базасини қуришга рухсат беради. Сомали эса Сомалилендни ўз ҳудуди деб даъво қилади ва келишувни ҳақиқий эмас деб эълон қилган. Мамлакат президенти Ҳасан Шайх Моҳамуд Сомали пойтахти Могадишода келишувга қарши митинглар бўлиб ўтган бир пайтда Сомалини “ватанни ҳимоя қилишга тайёрланишга” чақирган.

“Биз барча дипломатик вариантлардан фойдаланмоқдамиз ва Эфиопия ўзига келади деб ўйлайман, аммо Абий урушни хоҳласа, биз унга тайёрмиз”, — дея Сомали президенти маслаҳатчиси Эфиопия бош вазири Абий Аҳмадга ишора қилган.

ТОВУШДАН ТЕЗ УЧАДИГАН САМОЛЁТ

“Lockheed Мартин” корпорацияси ва “НАСА” шовқин даражаси паст ва товуш тўсиғини бузиб ўта оладиган “X-59” номли экспериментал товушдан тез учувчи самолётни намойиш қилди. Тақдимот Калифорниянинг Палмйле шаҳридаги заводда бўлиб ўтди.

“X-59” самолёти “Quesst” дастури доирасида ишлаб чиқилган. НАСА тушунтиришича, лойиҳа товушдан тез учадиган тижорий парвозларга қўйилган тақиқни олиб ташлашга ёрдам беради. Ушбу турдаги рейсларга парвоз давомида ҳосил бўладиган шовқин туфайли 50 йилдан ортиқ вақтдан бери чекловлар мавжуд.

“X-59”ни ишлаб чиқиш 2019 йилда бошланган ва йиғиш 2021 йилда якунланган. Биринчи синов парвози жорий йилнинг баҳор охири ёки ёз ойларига режалаштирилган. Тахминларга кўра, самолёт 16,8 минг метр баландликда 1488 км/соат тезликка чиқа олади.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ҚИММАТ КОМПАНИЯ

“Microsoft” дунёдаги энг қиммат брендга айланди. 11 январь куни технологик гигант “Apple”дан ўзиб кетди ва сўнгги 3 йил ичида биринчи марта глобал рейтингда биринчи ўринни эгаллади. Бу ҳақда “Reuters” хабар берди. Компанияларнинг бозор қиймати кичик фарқни кўрсатади. “Microsoft” акциялари 0,5 фоизга ўсган, натижада компаниянинг бозор қиймати 2,859 триллион долларни ташкил этган. Сессия давомида бу 2 фоизга ошган ва қисқа вақт ичида компания қийматини 2,903 триллион долларга етказган.

“Apple” акциялари 0,3 фоизга тушган. Компаниянинг бозор қиймати 2,886 триллион долларни ташкил қилмоқда. Қимматли қоғозлар бозоридаги ўзгаришлар технологик гигантининг “OpenAI”га муваффақиятли сармоя киритиши ва унинг нейрон тармоқларга пул тикиши билан боғлиқ.

“Microsoft” “Apple”дан ўзиб кетиши муқаррар эди, чунки “Microsoft” тезроқ ўсиб бормоқда ва сунъий интеллект инқилобидан кўпроқ фойда кўрмоқда”, — дейди DA Davidson таҳлилчиси Гил Лурия.

Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ТАЪЛИМ

ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШЛАРНИНГ ИЛК НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги қарорига асосан Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали негизида Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг ташкил этилиши нафақат олий таълим тизимида, балки қорақалпоқ халқи замини учун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида муҳим қадамлардан бири бўлди десак, муболаға бўлмайди. Ҳукуматимизнинг олий таълим тизимида аграр соҳасига бўлган бундай эътиборини оқлаш, яратилаётган янги имкониятлар ва берилаётган имтиёзларга жавоб тариқасида институтимизда таълим сифатини ошириш учун астойдил меҳнат қилинмоқда.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, қишлоқ хўжалиги соҳасида, шу жумладан, институтимизда илм-фан ва инновацион ривожланиш борасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга ошяпти. Хусусан, институтда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим жараёнининг янги стандартлари ва малака талаблари асосида кредит-модуль тизимига ўтилди. 2022-2023 ўқув йилида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув жараёнига хорижий олий таълим муассасаларидан 12 нафар профессор-ўқитувчи таклиф қилинган бўлса, жорий йил 15 нафар профессор-ўқитувчи жалб этиш режалаштирилмоқда.

2022 йили институтимизнинг 18 нафар талабаси Германиянинг етакчи фермер хўжаликларида 3 ойлик қисқа муддатли амалиёт дастурида иштирок этиб, ўзларининг билим ва малакаларини ошириб келган эди. 2023 йил ноябрь ойида эса 6 нафар талаба 6 ойлик амалиёт дастурида иштирок этиш учун Германияга юборилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг миллий рейтингида Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти 2023 йилда 68-ўринни эгаллади, жорий ўқув йилида ушбу кўрсаткичнинг юқори поғоналарга кўтарилишига эришиш мақсадида институтимизда бир қанча амалий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий ўқув йилида жаҳоннинг кучли 1000 талигига кирган олий таълим муассасаларида малака ошириш ва илмий стажировкаларга бориш учун 5 нафар профессор-ўқитувчи рўйхати шакллантирилиб, тасдиқланган. Институтимизда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан келишув асосида 2024 йилнинг январь ойидан волонтёрлар ёрдамида япон тилини ўргатиш курслари ташкил этилди. Институт битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) билан эришилган келишувга мувофиқ япон тилини ўргатиш ва курс якуни бўйича суҳбатдан ўтган битирувчиларни Япония давлатига мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш шартномаси тузиш режалаштирилмоқда.

“Қовун пашшаси (Myiopardalis pardalina Big.)га қарши феромонли тутқичлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳа, “Қорақалпоғистон маҳаллий қовун навлари генофондини ташкил этиш ва экспортбоп навларнинг элита уруғларини тезкор-кўчат усулида етиштириш”, шунингдек, “Ғўзанинг Оролбўйи тупроқ иқлим шароитига мос, тола сифати жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи ҳамда юқори тола чиқимига эга маҳаллий навларини яратиш ва давлат нав синовига бериш” мавзусидаги мақсадли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

“Қорақалпоғистоннинг экстремал шароитида замонавий суғориш ускуналари ёрдамида жўхори етиштиришнинг суғориш режимини илмий асослаш” ва “Оролбўйи ҳудудида аҳоли хонадонларидаги чорва молларини озуқа билан таъминлашда кооперация тизимини йўлга қўйиш” мавзусидаги амалий лойиҳалар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Халқаро лойиҳалардан Японияннинг Токио қишлоқ хўжалиги ва технология университети билан ҳамкорликда “Амударёнинг қуйи ҳавзасида доривор ўсимликларни ўстириш орқали тупроқ шўрланишининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган янги усулни жорий этиш”, Японияннинг Шова фармацевтика университети билан ҳамкорликда “Саратон касаллигини даволашда фойдаланиш учун истиқболли доривор ўсимликларни ўрганиш”, “Japan Conservation Engineers” компанияси билан ҳамкорликда 2021-2025 йилларга мўлжалланган “Шўрланган тупроқларда фульва кислотаси ёрдамида унинг гумус ҳолатини яхшилаш”, “MEXT” дастури доирасида “Сувни тежовчи технологиялар, рақамли қишлоқ хўжалиги ва кўчатхона ташкил этиш” мавзусидаги 4 та халқаро лойиҳалар бажарилмоқда.

Институтнинг 3 нафар талабаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази ва БМТнинг “UNICEF” ташкилоти ҳамкорлигида ёшларнинг ижтимоий ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга ёрдам берувчи дастур асосида ўтказилган танловда ўз лойиҳаси билан қатнашиб, 1000 АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланганлиги ҳам алоҳида эътирофга лойиқ.

Институтимизда профессор-ўқитувчиларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида ҳар йили илмий-амалий конференциялар ўтказиш анъанага айланган. “Қорақалпоғистон Республикасини турғун ривожлантиришда ёш олима хотин-қизларнинг илмдаги фаолияти”, “Илмий тажрибалар натижаларининг қўлланишида ёш тадқиқотчиларнинг ўрни”, “Қишлоқ хўжалигида инсонга эътибор ва сифатли таълимдаги имкониятлар ва янгиликлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференциялари шулар жумласидандир. Бу конференциялар материаллари асосида 170 та тезисдан иборат жами 340 варақлик тўплам ҳамда 118 та мақола жамланиб, китоб ҳолида нашр қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикаси учун чиқарган алоҳида Фармон ва қарорларида иқтисодиёт тармоқларида инновацион жараёнларнинг жадаллашувига эришиш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ҳудудни жадал суръатларда ривожлантириш, шунингдек, ҳудуднинг инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, ёшлар бандлигини таъминлаш, таълим соҳасида қўшимча имкониятлар ва инсон капитали ривожини янги босқичга кўтаришга шарт-шароит яратиш асосида ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, ўтган йил Олий таълим муассасаларига квота миқдорининг оширилганлиги, Қорақалпоғистон Республикасида доимий яшайдиган ҳамда умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларини тамомлаган ёшлар учун 2023-2024 ўқув йилида давлат гранти асосида қўшимча 3 000 та ўрин ажратилганлигини олий таълим тизимида ёшлар учун берилган энг катта имкониятлардан бири бўлди дейиш мумкин.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитиш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ватанпарвар, комил шахслар сифатида тарбиялаш мақсадида институтимизда турли хил тарғибот-ташвиқот вазифалари ҳам тизимли равишда олиб борилмоқда. Жумладан, иқтидорли талабалардан иборат “Талабалар театр студияси”, “Қувноқлар ва зукколар” жамоалари, “Умид учқунлари” номли бадиий гуруҳ тузилган бўлиб, ушбу жамоаларга иқтидорли талаба-ёшлар жалб қилинган.

Шунингдек, талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида 26 та фан, 7 та спорт тўгараги ва 10 та ижодий клуб фаолияти йўлга қўйилди. Бу тўгаракларда талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида жами 14 нафар устоз, маънавий-маърифий ишлар бўйича 4 та декан ўринбосари масъул этиб белгиланган.

Бу йил институтимиз тарихида биринчи марта талаба-ёшлардан тузилган “Қувноқлар ва зукколар” жамоаси Ўзбекистон Республикаси миқёсида ўтказилган мусобақада фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

“Талабалар театр студияси” аъзолари томонидан шу кунгача энг сара 3 та спектакль саҳналаштирилган. Ўтган йили бу жамоа Қорақалпоғистон Республикасидаги ўнта олий таълим муассасаси орасида Ёшлар ойлиги доирасида ўтказилган тадбирлар давомида “Кресло” спектакли билан 4-ўринни эгаллади. Айни пайтда талабаларимиз февраль ойида ўтказилиши режалаштирилган республика миқёсидаги “Талабалар театр студияси” фестивалида қатнашиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

“Сиз янги қонунни биласизми?” танловида талабаларимиз фахрли 2-ўринни олгани, институтимизнинг 2-курс талабаси, “Кибергуруҳ” аъзоси Тўмарис Қадиримбетова Ички ишлар вазирлиги томонидан “Cyber-Week” тарғибот-ташвиқот тадбирлари доирасида ўтказилган “Инновацион ёндашув” танловида 3-ўринни эгаллагани ҳам эътиборга моликдир.

Талабаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларда ҳаётий ҳамда бизнес кўникмаларини шакллантириш мақсадида ҳар хил ижодий тўгараклар ҳам ташкил этилган. Масалан, олий ўқув юртида фаолият юритаётган “Чевар қўллар” тикув цехида 8 та талаба-қиз иш билан таъминланган. Қизлар учун “Моҳир дизайнер” тўгараги ҳам мавжуд бўлиб, устозлар бошчилигида 30 дан ортиқ қизларга миллий безаклар, тақинчоқлар билан ишлаш сирлари ўргатилмоқда.

Институтда алоҳида эътиборга муҳтож талабалар билан психолог ҳамкорлигида суҳбатлар ҳам олиб борилиб, уларнинг таълим олиш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишига доир тадбирлар, учрашувлар, тренинглар ўтказилади. Компьютерга қизиқувчилар билан Ёшлар ишлари агентлигидан таклиф қилинган мутахассислар иштирокида бир неча бор “Бизнесга биринчи қадам”, “Мобилография” йўналишлари бўйича бепул курслар ташкил этилди.

Шунингдек, алоҳида эътиборга муҳтож (етим, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оила фарзандлари) талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг рўйхатлари шакллантирилган, кам таъминланган 70 нафар талабадан 30 нафари институт ҳисобидан Тошкент шаҳрига саёҳатга олиб борилди. Кам таъминланган 50 нафар талабанинг Мўйноқ шаҳрига саёҳати ташкиллаштирилди ва ҳар хил кўнгилочар тадбирлар орқали уларнинг мароқли дам олишларига имконият яратиб келинмоқда.

Ўтган йил давомида ногирон талабалардан 12 нафари Хива шаҳрига, 40 нафари Чилпиқ, Султон Увайс, Маздакхон тарихий зиёратгоҳларига саёҳатга олиб борилди. Маънавият ва маърифат, ёшлар билан ишлаш бўлими, институт Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ҳамда гуманитар фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари иштирокида маънавий, ҳуқуқий саводхонлик тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Байрамлар муносабати билан ўтказилган турли танловларда ногиронлиги бор талабаларимиздан бир нечтаси 1- ва 2-ўринларни эгаллаб, уларнинг ўқиш ва ишлашга қизиқишлари ортмоқда. Айтайлик, республика миқёсида паралимпия мусобақаларида ногиронлиги бор 3-босқич технология гуруҳи талабаси Диёрбек Жўрабеков пара пауэрлифтинг бўйича Осиё чемпионатида 1-ўринни эгаллади.

Институтда беш ташаббус ўйинларида талабаларимизнинг умумий қамровини юз фоизга етказиш мақсадида кенг кўламли тарғибот ишлари ҳам олиб борилади. Шу сабабли 2023 йил Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган спорт ўйинларининг волейбол тури бўйича қиз болалар жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллаб, Жўқорғи Кенгес томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Стол тенниси бўйича республика миқёсида ўтказилган мусобақада эса Ўрмончилик гуруҳи 4-курс талабаси Нуржамал Калбаева 2-ўринни қўлга киритди. Бир нафар талаба Қозоғистонда ўтказилган “Ёш олимлар” халқаро конференциясининг кўкрак нишонини олишга муваффақ бўлди. Институтимизнинг 3 нафар талабаси бўлса, “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу каби ютуқлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Бундан ташқари, таълим сифатини янада ошириш мақсадида институтда лаборатория базаси доимий янгиланиб ва тўлдириб борилмоқда. Соҳага доир янги техника ва технологияларнинг таълим муассасаларига мунтазам етказиб берилишини таъминлаш мақсадида Ислом тараққиёт банки иштирокида “Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида 2023 йилнинг ўзида институтимизга жами қиймати 129944,33 АҚШ долларига тенг бўлган лаборатория жиҳозлари олиб келинди ва 1,65 млн. сўм миқдорида лаборатория учун бутловчи қисмлар харид қилинди. Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) ҳомийлигида “Ўзбекистоннинг танланган ҳудудларида барқарор иктисодий ривожланиш” лойиҳаси бўйича “Балиқчилик ва ипакчилик” кафедрасига 74,1 млн. сўмлик лаборатория жиҳозлари ҳамда инвентарлар олиб келиниб, 2 та янги балиқчилик лабораторияси ташкил қилинган. Америка Қўшма Штатларининг “USAID” халқаро ташкилоти ҳомийлигида “Қишлоқ хўжалигида қиймат занжирини ривожлантириш” “AVC” лойиҳаси доирасида институтнинг “Мева-сабзавотчилик ва полизчилик” кафедрасига 214,5 млн. сўмлик лаборатория жиҳозлари ҳамда инвентарлар олиб келиниб, янги “Мева-сабзавотчилик” лабораторияси ташкил қилинди.

Институтда Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) ҳомийлигида “ECO-ARAL” лойиҳаси доирасида Геоахборот тизимлари маркази ва лабораторияси очилиб, қиймати 65 минг еврога тенг лаборатория ва марказга зарур асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилиб, айни кунда изчил фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими доирасида аграр соҳа учун халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш, бу борада етакчи хорижий университетлар билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш мақсадида Буюк Британия Қироллик қишлоқ хўжалиги университети (Royal Agriculture University) билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ташкил этилди. Бу бежиз эмас. Негаки, аграр соҳани ривожлантириш, жаҳон тенденцияларини ва тажрибасини акс эттиришга мослашган “илмга асосланган, амалиётга йўналтирилган таълим” тамойили асосида ва миллий анъаналар уйғунлигида юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, профессионал кадрларни тайёрлаш асосий мақсадимиздир.

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси учун, айниқса, таълим соҳасида яратилаётган янги имкониятлар ва берилаётган имтиёзлардан руҳланган ҳолда жамоамиз билан астойдил изланиб, янги ютуқлар сари интилаверамиз.

Бердиёр ЖЎЛЛИБЕКОВ,
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

МУТОЛАА

СУРХОН ҲАҚИДА КАТТА ДОСТОН

Хушбоқ Раҳим сўзи ўткир, диди баланд ижодкорлардан. Мамлакатимиз мустақиллиги шоирга ўзига хос илҳом манбаи бўлди. У ўзининг “Сурхондарё” достонини ёзди.

Ҳа, деновлик истеъдодли ижодкор Хушбоқ Раҳимнинг “Сурхондарё” достонини ўқиган киши шоирнинг ижтимоий ҳаётни, илм-фан, техника ютуқлари-ю тарих ва фалсафани чуқур ўрганганига амин бўлади. Махсус кўникмага эга бўлмаганлар унинг сатрлари қаридаги теран моҳиятни, ишораларни дафъатан тўлақонли илғамаслиги мумкин.

Мустақил ўлкасан, эркин тафаккур
Тарихни туянинг жунидай титди.
Қуёш ҳам тожига тирноқдош Хушбоқ
Шону шуҳратингга қасида битди, –

дейди у киндик қони томган гўша ҳақида. Чуқурроқ разм солинса, она Ватаннинг ҳар бир қарич ери юрақдай ягона курраи заминдан қоядай мустаҳкам ўрин олган Ўзбекистоннинг ажралмас қисмидир. Хушбоқ Раҳим Тешиктош ғори, Бойсун, Боботоғ манзараларини тасвирлаш баробарида, воҳанинг ҳар бир заррасини синчиклаб тафаккур қилади. Ватан тимсоли бўлган ҳар бир заррани китобдай ўқийди, у билан дардлашади. Чунки шоир юрт, коинот, инсон қадри, бел ва белбоғни бир бутунликда кўради. Ҳа, Хушбоқ Раҳимнинг ижодкор сифатидаги асосий ғояси бирлик ва жипслиқдир, Ватан, одамлар ва уларнинг олам билан бир бутунлигидир. Шоир учун коинот бир бутун – курраи замин, Ватан ва унинг манфаатлари бир бутун. Оила, маҳалла, туман, вилоят, Ўзбекистон бир бутун. Бутунлик бор жойда эса энг катта бойлигимиз – тинчлик-осойишталик, ва албатта, ободлик, тўкинлик ҳам бўлади.

Заррани китобдай ўқидим, бугун
Қаддимда Дунё ҳам, ўша мадор, ўқ.
Белбоғ ҳам белимда мулки коинот,
Тинчлигу соғликдан катта бойлик йўқ,
Сурхондарё.

Маълумки, Сурхондарё худди инсоният тамаддунининг дастлабки бешикларидан биридир. Археологларнинг аниқлашича, қадимги Бақтрия, Кушонлар давлати ва унинг пойтахти шу заминда жойлашган. Энг қадимги шаҳарлар ўрни, маҳалла, арки аъло, мудофаа деворлари, жаҳондаги энг эски қабристон, сопол идишлар, сопол сиёҳдон, омоч, турли тақинчоқлар, давлат муҳрлари, жун, пахта, ипак, тўқима қолдиқлари, буғдой дони, ғўза чигити, дастлабки металл устахоналарнинг ўрни, шиша, пишиқ ғишт, заргарлик ашёлари, нақшинкор ёғоч синиқлари ва бошқа топилган осори атиқалар шулардан далолат беради. Шоир “Сурхондарё” достонида мазкур топилдиқларни синчиклаб ўқишга, ҳар бир ашё замиридаги бутун инсониятга тегишли маданият белгиларини илғашга ундайди.

Ҳунар кексармайди, кўнгил қаримас,
Меҳнатнинг ортидан ютуқлар бари.
Оромий ёзуви, рақам ҳам чизиқ
Бору бир, баҳру бар китоб, дафтари.

Шоир “Сурхондарё” сўзини метафора даражасига кўтариб, уни дарё, вақт маъносида ҳам, табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонуниятлари, одамзод ва жамики муносабатларнинг ҳаммабоп алоқа боғланишларини билишу билдириш, таҳлилу тадқиқ этувчи диалектик метод маъносида ҳам қўллайди. Дарё сувига икки марта тушиб бўлмайди, ўтган вақт изига қайтмайди, дейдилар. Бугунги ютуқларнинг қусури эртага кўринади, ижтимоий ҳодисаларнинг қандай юз бериши мавжуд шарт-шароитга, ўринга ва вақтга боғлиқ. Уларни бир хил мезон, тошу тарози билан ўлчаш, бир хил бўёқ билан бўяш, бир қолипга жойлаш диалектика табиатига зид. Шу маънода шоир Хушбоқ Раҳим муносабатларнинг шарт-шароит ва замон талабига мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратади.

Темир йўл, авто йўл, осмонда ҳам йўл,
Кундалик ҳақиқат, тарихий юмуш.
Дўстларга сарфланган эзгу
фурсатнинг
Ўрнини босолмас на олтин, кумуш.

Дўстлик туйғуси – қадимий, маънавий қадриятлардандир. Жаҳонда зиддиятли, ўзаро боғланмайдиган манфаатли муносабатда бўлмайдиган давлат, оила, одам йўқ. Инсоннинг наинки қиёфаси, ички олами ҳам бир-биридан индивидуаллиги билан тубдан фарқ қилади. Ўзини англаган одам бошқаларни ҳам тушунади. Ўзининг кимлиги ва нималарга қодирлигини англаган маънавиятли одамгина бошқалар учун ҳам яшай олади.

Хушбоқ Раҳим замонавий технология ва илм-фан ютуқларини пухта эгаллаган ёш авлод шоҳи сўзанада ямоқдай яққол кўзга ташланиб турган иллатларнинг бирдан-бир давоси деб билади. Шоир назарида ўтмиш ёки ўтиш даври теша зарбидан кўкарган тирноққа ўхшайди. Хаста тирноқни янги, соғлом тирноқ суриб чиқаради. Соғлом тирноқ – шоирини ғурурлантирувчи мустақил Ватаннинг билимдон, келажаги порлоқ ўғил-қизларидир.

Хушбоқ Раҳимнинг ўз ибораси билан айтганда, “Тўқ мағиз чигитдай ихчам хулоса” шуки, ҳақиқий шеър шеърхонни сувдан олиб ўтга, ўтдан олиб сувга ташлайди. Ундаги дарднинг залвори йиғлаганни юпатади, ғамдан йироқ касларни йиғлатади. Омманинг руҳини кўтаради. Чунки, чинакам шеър маънавий кашфиётдир. Оқсоч дунё бир кашфиёт учун минглаб тажриба, синовларни ўтказган олимларни кўрган. Яхши шеър ҳам шоирдан, ҳеч бўлмаганда, ўша кашфиётчининг изланишларини талаб қилади.

Табиий пишиқ шеър кўнгилларни яйратади, қалбларни қувонтиради. Китобхонни сувдан

олиб ўтга, ўтдан олиб сувга ташлайди. Шеърлардаги дарднинг залвори йиғлаганларни юпатади, ғамдан йироқ басирларни йиғлатади. Омманинг баланд руҳини осмонларга кўтаради, белини янада бақувват қилади. Урвоқ ҳам уммон, гард ҳам гул, зар ҳам заргар вужудидаги ёпиқ, лекин яширин юлдузларни ошкор айлайди. Шеър – маънавий кашфиёт деганлари бежиз эмас-да.

Тоштемир ТУРДИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

НУҚТАИ НАЗАР

СТИВЕН СПИЛБЕРГГА ТЕЛЕМАКТУБ

ёхуд “Абдуллажон” фильмидан замонамиз одами учун 6 сабоқ

Одамзод ўз армони, оғриғи ва орзуларини бутун умр юрагига кўмиб яшайди. Баъзан эса уларнинг кўксида мудраб ётганини ўзи ҳам билмаслиги мумкин. Шу сабабдан бўлса керак, эски фильмларни кўриб, қўшиқларни эшитсак, вужудимизда ажиб ҳислар уйғонади. Унут бўлган кечинмаларимизни эслаймиз, ўтмишимиздан бир парчани қайтиб олгандай энтикиб кетамиз...

1991 йилда Зулфиқор Мусоқов томонидан суратга олинган “Абдуллажон” — биринчи ўзбек илмий-фантастик комедияси ана шундай фильмлардан бири. Фильм томошабинни кулдирса-да, унда халқимизнинг қарийб бир асрлик аччиқ кечмиши, оғриқли туйғулари ўз ифодасини топган. Бундан амин бўлиш мумкинки, ҳар қандай ҳақиқий санъат асарининг онаси оғриқ, дард экан, гарчанд у мутойибага йўғрилган бўлса ҳам...

Аммо айни пайтда мазкур кинонинг сиёсий жиҳатларини таҳлил этиш фикридан йироқмиз. Бу ишни кейинроққа қолдирган ҳолда, теледурдонанинг кино санъатида тутган ўрни ва ундан бугунги кун томошабини олиши мумкин бўлган олти сабоқ ҳақида гапирмоқчимиз. Марҳамат, комедиядаги кичик-кичик воқеаларни эсга олиш орқали сиз уни ҳозирда суратга олинаётган бошқа фильмлар билан таққосланг, фикр юритинг ҳамда замонавий киносаноатимизда йўл қўйилаётган камчиликлар борасида фикр алмашинг.

1-САБОҚ: “Сенга нима ёмонлик қилувдим, э Худо?..”

Яхши биласиз, фильм “Коммунизм” колхозида яшовчи Сотиболди Худойбердиевнинг америкалик таниқли режиссёр Стивен Спилбергга мактуби билан бошланади. Сотиболди “Стивен ака”га унинг яқинда ишлаган киносини кўрганини, кино жуда яхши чиққанини айтиб ўтади. “Бизда ҳам ғалати ишлар бўлаяпти, Стивен ака, — дейди мактуби давомида. — Бир куни колхозимизда мажлис бўлаётганди. Битта ари учиб келди. Учиб бораверди, бораверди... Раисимизнинг ёнигача борди. Шунда раис қоғозни қўлига олди-да, ўради: Тап!..” Сўнг биз амалдорнинг арини уриб, мажақлаганига гувоҳ бўламиз. Жонзотнинг ўлими кейинги воқеаларга пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Шу ерда ҳақли бир савол туғилади. Нега айнан ари, айтайлик, каттароқ қуш эмас? Муаллифлар оддий бир ҳашаротнинг ўлимини нима сабабдан оламшумул жиноят сифатида баҳоламоқчи? Томошабинни кулдириш учунми? Йўқ, бу ерда бошқа бир гап бор. Ўша гап шундан иборатки, бизнинг қилган айбларимиз ҳамма вақт ўзимизга майда ва арзимас бўлиб туйилади (нари борса аридек!). Аммо инсон ўзининг жимитдай деб ўйлаган қилмишлари учун ҳам қачондир, қаердадир жавоб бермоғи зарур. Шундай экан, аслида, ҳеч қандай кичкина гуноҳ йўқ, аксинча, биз чакана деб ўйлайдиган гуноҳлар бор, холос. Ва кун келиб, у катта-катта фожиаларга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Буни раис бобонинг юракларимизни титратган пушаймонга тўла ҳасратлари тасдиқлайди:

“— Ҳамманинг кетмони учса-ю, меники учмаса... Мен сенга нима ёмонлик қилувдим, э Худо?”

Қолаверса, масаланинг экология билан боғлиқ яна бир жиҳатига тўхталиш мумкин. Ҳар қалай, Альберт Эйнштейн 1941 йил “Canadian Bee Journal” нашрида эълон қилинган мақоласида инсониятни қирилиб бораётган ариларни асраб қолишга чақиради. “Одамзод кислородсиз уч дақиқа, сувсиз уч кун, ариларсиз эса атиги тўрт йил умр кўра олади”, деб ёзади дунёга машҳур физик олим ҳамда бу митти жонзотнинг йўқолиб кетиши оқибатини энг хавфли табиий офатлар — вулқон отилиши ёки метеорит қулашидан анча даҳшатлироқ, дея баҳолайди. Сабаби оддий: “Асаларилар бўлмаса — ўсимликлар чанглатилмаса — егулик бўлмаса — одам ҳам бўлмайди” (А.Э.). Британиянинг кундалик газетаси “The Guardian” тақдим этган маълумотга кўра, келажакда арилар яшамаслиги туфайли содир бўлиши мумкин бўлган очарчиликдан ташвишга тушган Гарвард муҳандислари бугун робот-асалари ишлаб чиқариш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Тадқиқотларнинг қандай натижа бериши борасида ҳали бир нарса дейиш қийин.

Мана бу тарафдан энди раис бобомиз арзимас гуноҳга қўл уриб, пушаймон азобини тортаётган одам эмас. У — табиат ифлосланиши ҳамда кундан-кунга ортиб бораётган радиация нурлари туфайли набототни таназзул ёқасига етаклаб, ўз оёғига ўзи болта ураётган бани башар тазаррусини акс эттирувчи рамзий образ ҳамдир.

2-САБОҚ: “Ановии... Ҳалиги қани?..”

Фильм давомида “6 рақамли ҳужайра”, яъни ҳаммамиз биладиган Абдуллажон ўз кемасида учиб кетаётиб, колхознинг мол боқиладиган ерларига йиқилиб тушади. Кемани биринчи бўлиб Бозорбой кўради. У аввалига қўрқиб кетади, ўзга сайёралик меҳмоннинг ёш бола эканини билгач, яқин-атрофдаги чайлага олиб бориб ётқизади. Қараса, болакай ширяланғоч. Ўғлининг уст-бошини олиб келиш учун югуриб кетади. Ўғлининг кийимларидан келтириб, Абдуллажондан уни кийишни сўраётганда эса боланинг жинсий аъзоси йўқлигига кўзи тушади.

“— Э-э, — дейди ҳайратга тушиб. — Ановии... Ҳалиги қани?.. Булбулча?

— Йў-ўқ, — елка қисади болакай.

— Аттанг... Аттанг... — афсус билан бош чайқайди Бозорбой. — Кел, чой ичамиз... — кейин болакайга далда беради, — майли, хафа бўлма. Бировни Худо ундай яратган, бировни бундай...”

Бу билан фильм бизни ривожланган давлатларда урчиган, айниқса, айримлар ўз жинсидан ихтиёрий воз кечиб, шу кунларда тобора долзарблашаётган ножинслик балосидан огоҳ этаётгандек. Гўёки бунинг қанчалар шармандали, инсоният учун ёт ва иснод ҳисобланмиш бир иш эканини томошабинлар онгига сингдиришга уринаётгандек.

3-САБОҚ: “Нима дединг?.. Яна битта қайтар!”

Бозорбой болани кийинтириб, овқатлантираётган пайтда шубҳаланган хотини ортидан кузатиб келади. Аёлнинг гумони тасдиғини топади — эри бегона бир бола билан гаплашиб турарди.

— Вой, бу кунларни кўргунимча ўлиб қўя қолганим яхши эмасмиди? — дийдиё қилади “эрим бошқадан фарзанд орттирибди”, деб ўйлаган шўрлик. — Вой-доод, войдоод, хотинбоз!..

Бироздан кейин ақлини йиғиб, сарғиш сочларидан русларга ўхшаб кетадиган болани гапга солишга уринади:

— Мальчиик, иди суда. Где твоя мама? Новасибирда-а?.. А, Барновулда-а?.. — бола жавоб беравермагач, асабийлашиб бақириб юборади. — Сендан сўраяпман, Барновулдами?!

— Дада, бу аёл нега бақираяпти? — деганча қочиб беркинади ўзга сайёралик меҳмон.

— Ана, дада деяпти!.. — аччиқланиб уйига жўнайди хотин.

Айни фурсатда Бозорбойнинг ҳаяжони эътиборимизни тортмасдан қолмайди.

— Нима дединг?.. Яна битта қайтар!..

— Ҳа, нима? Дада дедим сизни. Ё нотўғрими? Мантиқий анализ натижасида шартли равишда сиз менга дадасиз. Мен эса ўғил вазифасини ўтайман.

— Тўғри, ўғлим, тўғри...

Бозорбой тирноққа зор эмасди. Унинг ўғли ва қизлари бор эди. Абдуллажоннинг “дада” дейишидан нимага бунчалик ҳаяжонга тушди?..

Кўпчиликка аёнки, санъат илк пайдо бўлган давридан бошлаб инсониятнинг қарашлари, руҳий манзарасини умумлаштириб кўрсатадиган кўзгу ҳисобланади. Бугунги жумбоққа бой, инсонни ўйлашга мажбур қиладиган санъат асарларига қараб, одамзоднинг фикрлаш тарзи анча мураккаблашганини тушунса бўлади. Онги ошган замонавий одамни ибратли ҳикоятлар таъсирлантира олмайди, уни фақат ўйлашга, фикр юритишга ундаш орқалигина тарбиялаш мумкин — бу санъатга ёпирилиб кираётган янги оқимларнинг якдил хулосасига ўхшайди гўё. Шу ерда ҳам савол туғилмай қолмайди. Хўш, онгимиз ривожланган, мураккаблашган экан, нима сабабдан биз кечаги иллатлардан халос бўла олмадик? Инчунин, очкўзлик, таъмагирлик, шаҳват оёғимизга ҳали ҳам тушов? Балки инсон онги қанча юксалса, руҳи, қалби шунча қашшоқлашиб бораётгандир? Умуман, ҳар қачон ўз манфаати учунгина хизмат қиладиган туйғудан мосуво совуқ ақлни олий тафаккур дея оламизми?..

Бозорбойнинг Абдуллажон “дада” деб чақирганда тўлқинланишидан туйғуларни ҳурмат қилишни, туйғуга нисбатан масъулиятни зиммамизга ола билишни ўргансак арзийди. Зотан, ақл маълум инсонпарварлик туйғулари билан уйғунлашсагина манфаатли, бўлмаса, у урушлар, кўпдан-кўп қабиҳликлар манбаси бўлиб қолаверади.

4-САБОҚ: “Болада гуноҳ йўқ...”

Бутун оила йиғилган, “осмондан тушган йигитча”ни муҳокама қилишаётган эди (ҳеч ким ҳеч кимни ҳақорат қилаётгани, жазавага тушгани ё қўлини шоп, бўйин томирларини ўқлоғдек қилиб бир-бирига бақираётгани йўқ: дастурхон бошида жим муҳокама қилиб ўтиришибди!). Бу вақт “боласи”ни эргаштириб Бозорбой кириб келади.

— Шўхлуғларингиз қолмапти-да, куёв бола, — киноя қилади қайнона.

Ота бўлмиш каловланиб қолмайди.

— Танишинг, ўғлим, — деб айтади Абдуллажонга. — Булар сизнинг қариндошларингиз.

Абдуллажон жилмайиб келиб, оиланинг қаршисига чўкади:

— Қалайсизлар?!

Сўнг нотинчлик бошланади, йиғисиғи, гина-араз дегандай.

— Хў-ўш... — бирдан асабийлаша бошлайди Бозорбой. — Маслаҳатинглар билан шу болани ҳайдаб юборайми?! Бўпти, уни ҳайдаб юбораман!.. — бориб эшикни очади. — Мен уни осмондан тушди десам, барибир, ишонмайсизлар-ку, тўғрими?! Қани, болам, тур, кетдик! Менам сен билан кетаман! Сени “детдом”га жойлаштираман-да, ўзим қариялар уйига жойлашаман! Ҳар шанба куни бир-биримиз билан борди-келди қилиб турамиз!

Бирдан аёлнинг кўзига гўдакнинг болалар уйида ётгани кўриниб кетади.

— Тўхтанг, — дейди эрига. — Бола ҳеч қаёққа кетмайди! Кетсангиз ўзингиз кетаверинг, катта кўча! Болада гуноҳ йўқ... Олтита болани катта қилдимми, еттинчисини ҳам амаллаб катта қилиб оларман. Қани, ойи, келганларга битта фотиҳа қилинг!

Мана бу “боланинг бегонаси бўлмайди” шиори билан яшайдиган халқимиз менталитетининг энг юксак намойиши. Ҳа, илло, ортиқча гап-сўз, ортиқча зиддиятлар бўлиши мумкин, одам боласи ортиқча бўлиши зинҳор мумкинмас. Менимча, буни яна бир бор эслатиб қўйишнинг ўзи етарли, бу борада қўшимча қилиш шарт эмас.

5-САБОҚ: “Эркак кишига ошхонада пишириб қўйибдими?!”

Камбағал отасига ёрдам беришни истаган Абдуллажон “каатта пул” ясайди. Бозорбой ҳайратга тушади. Шошиб киссасидан уч сўмлик купон чиқаради:

— Мана буни... Мана буни ҳам кўпайтира оласанми?

— Кўпайтирайми, катта қилайми?

— Кўпайтир!

— Ҳозир боплаймиз-да, — дейди Абдуллажон. Кейин бир қозон пул “пиширади”. Бозорбой бундан ҳаяжонга тушар, ўз-ўзича ҳисобларди.

— Битта қозоннинг ўзида ўттиз минг! Иккита қозон қайнатадиган бўлсак, олтмиш минг...

Севинчи ичига сиғмаётган ота-бола шунда беҳосдан пулнинг орқасидаги ёзувни ўқиб қолишади: “Давлат сўмини қалбакилаштириш... қонунга мувофиқ... тақиқланади...”

— Қовун туширибмиз-ку, ўғлим... — ҳафсаласи пир бўлади Бозорбойнинг. Пулларни истамайгина олиб, ўчоққа — ёниб турган оловга ташлайди. — Э, аттаанг...

Бу пайтда унинг хотини келиб қолади:

— Ҳа, адаси? Эркак кишига ошхонада пишириб қўйибдими?

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло эркакни аёл хилқатига нисбатан бақувват қилиб яратди. Шунга мос равишда у ҳам кучи, салобатига ярашадиган ишлар билан шуғуллангани маъқул. Эҳтимол, гапимиз ошпазлик касбида ишлайдиган инсонларимиз учун эмасдир-у, лекин ҳозирда ошхона тўғрисидаги телекўрсатувларда икки аёлнинг ўртасида туриб, гап сотиб ўтирган бошловчи эркаклар Бозорбойнинг хотини айтмиш кесатиқ ҳақида ўйлаб кўришса, яхши бўларди. Зеро, аёл билан эркакдаги мажозий чегаралар қисқаравергач, кейинги пайтларда интернетни портлатган “эр нимага керак?” қабилидаги риторик саволларнинг пайдо бўлишига ажабланмасак ҳам бўлади.

Бу гапимиз билан аёлларни ожиза деб камситмоқчи ёки эскича қараш билан “мана бу эркакнинг иши, бу эса аёлнинг” дея касб-корни иккига ажратмоқчи ҳам эмасмиз, албатта. Демоқчимизки, аёл ва эркакнинг жамиятда ўз ўрни, табиати ё ўзини тутишда ажралиб турадиган фарқлари бўлсин. Мазкур маънода эса Бозорбойнинг хотини айтган “Эркак кишига ошхонада пишириб қўйибдими?!” иборасининг қамрови анча кенгайиб, жамиятни фалсафий ҳукм қилишга қобил ўлароқ бир мушоҳадага айланиши мумкин.

6-САБОҚ: “Яримта ароқ нечпул?..”

Айрим киноларда мансабдор лавозимидаги кишилар кўпинча маишатпараст, хотинбоз бўлади. “Абдуллажон” фильмида раис образига ўзига хос ёндашилган. Рост, раис отамиз оппоқ одам эмас. Манфаатпарастлиги, шуҳратпарастлиги бор: колхозда содир бўлаётган ҳамма қойилмақом ишларга бошқаларнинг ўзини бошқош деб ўйлашларини истайди. Қолаверса, “арини ўлдириб”, “қарғиш”га учраган.

Лекин шуниси диққатга сазоворки, у ароқ ичмайди. Ҳатто ароқнинг нархи қанча эканидан бехабар. Бунга биз Йўлдош унинг ишхонасига келиб, тил бириктиришни таклиф қилаётган эпизодда гувоҳига айланамиз.

“— Эртага қишлоққа чиқиб, мана шу мўъжизаларнинг ҳаммаси раис отамнинг қўл остида ишлаб чиқарилган деб гап тарқатаман. Сиз герой бўласиз! Сиз депутат бўласиз! Эвазига... Менга ҳар куни яримта қуясиз! Кетдим.

— Тўхта!... Ҳимм... Яримта нечпул?!”

Воқеаларни ипидан-игнасигача бир-бири билан мантиқан боғлаган фильм ижодкорлари бу ерда ҳам эътиборларини сусайтиришмаган. Чин-да! У ичса, маишат қилиб юрса, қандай қилиб амалдор бўлиши мумкин эди? Раис ўша пайтнинг ўқимишли, зиёли одамларидан бири эди-ку!

Балки сизда “ароққа муккасидан кетиб, раисдан ҳам каттароқ мансабда ўтирганлар бор-ку?” қабилидаги савол туғилар ва кўз олдингиздан аллакимлар ўтгандай бўлар. Лекин ўша кўз олдингиздан ўтаётган одамлар мансабдорлар учун эталон эмас. Улар бизнинг раис бобомизни кўриб уялса, яхшигина хулоса чиқаришса арзийди.

ХУЛОСА ЎРНИДА...

Бугун омманинг китоб ўқимаётгани ва телевизордаги сериалларга боғланиб қолаётганидан афсус чекамиз. Лекин китоб орқали бериш мумкин бўлган маънавий тарбияни “ойнаи жаҳон” ёрдамида ҳам сингдирса бўлишини нега ўйламаймиз? Балки нажот телевизорга боғланиб қолаётган одамларни қоралашда эмас, шунчаки “ойнаи жаҳон” дастурларининг савиясини оширишдадир? Ажаб эмаски, ўз ватанпарварлиги, миллий ғурури билан бошқа миллатлардан ажралиб турадиган қардош халқ Туркия буни биздан аввалроқ тушуниб етган ва амалга оширган бўлса?! Ахир китоб ҳам, телевидение ҳам аслида восита, онгу шуур тарбияси йўлидаги ёрдамчи, уларнинг қайси биридан фойдаланиш ўзимизнинг қўлимизда эмасми? Қалин китобларда етказиладиган комиллик ғоясини кўпроқ зангори экран орқали тақдим қилишни бугун даврнинг ўзи талаб қилаётган бўлса-чи?..

Майли, ушбу саволни телерадиокомпаниялари масъуллари, хусусан, киномутахассислар учун очиқ қолдирамиз. Ҳолбуки, мақолани ёзишимдан мақсад ҳам бўлак. Бироқ оддий томошабин сифатида шундай ўйлайманки, “Абдуллажон” воқеалари бекорга хорижлик режиссёр Стивен Спилбергга телемактуб тариқасида ёритилмаган. Қарийб 31 йил олдин, ҳозирги замонавий эффект ва мосламаларсиз айнан юртимизда суратга олинган мазкур асардан бугун бутун дунё ибрат олиши, сўнг ўз ҳаёти, одам ва олам билан боғлиқ қарашларини қайтадан кўриб чиқиши зарур.

Байрам АЛИ.

ҲАВО – ҲАММАМИЗНИНГ НАСИБАМИЗ

1-б.

Ёшларимизга ҳар жиҳатдан ҳавасимиз келади. Беихтиёр ўзимизнинг талабалик йилларимиз, Марғилондан Фарғонага ҳар куни тошбақага ўхшаган автобусларда тиқилишиб, нафасимиз бўғилиб қатнаганларимиз, дарсга кеч қолмаслик учун саҳар мардонлаб уйдан чиқиб йўлларда сарғайишимиз ёдга тушиб кетди. Ўшанда бирорта талаба ўзининг шахсий енгил машинаси тугул, йил-ўн икки ойда бирор сабаб ёки зарурат туфайли таксида ўқишга бориб келганиниям эслолмайман. Дарвоқе, мавзудан узоқлашмай, бугунга қайтайлик.

Айтиш мумкинки, кейинги бир йил ичида уч миллион аҳолиси бўлган пойтахтимиз аҳолисига кўрсатилаётган жамоат транспорти хизматлари сифати биз узоқ йиллар орзу қилган-у, аммо тасаввур ҳам этолмаган даражада юксалди. Айни кунларда ўзим хизматга бориб келиш учун электробусларга ўтирарканман, ҳар гал: “Бундан бир йилгина олдин шунча йўловчи кичкинагина яшил автобусчага қандай сиғиб юрган эдик?” деб ҳайрон бўламан. У автобусчаларнинг камида ярим соат оралиқ билан келиши, унга чиқиб олиш машаққатлари, йўл-йўлакай тору танқисликдан кимнинг кўнгли беҳузур бўлган, ким кимдан норози, ким кимдан узр сўраган... ва ҳар куни шу аҳвол бирдек такрорланарди. Ҳозирги янги автобусларнинг йўловчи сиғдириш имконияти у автобусчаларга нисбатан камида икки-уч баробар кўп, қолаверса, ҳар 7-10 дақиқада келиб турибди. Бугунги салобатли, замонавий автобусларда йўловчилар ҳар доим гавжум бўлишини кўриб, “илгари кўпчилик таксида юрганмикин?” деб ўйлайман. Жамоат транспортидан фойдаланадиган кўпчилик йўловчилар дилидаги мана шу миннатдорчиликни мамнуният билан эътироф этиш баробарида, юқорида сўз очилган муаммонинг бир қадар ижобий ечимига ҳам худди шу хайрли ўзгаришлар сабабчи, восита бўлиши мумкинлигини айтмоқчиман. Яъни, дунёнинг энг катта, энг чиройли, энг замонавий шаҳарлари қаторида бўлган Тошкентнинг бир томонидан иккинчи томонига жамоат транспортида, метрода қисқа фурсатларда етиб олиш қийин бўлмай қолди. Шаҳарнинг ҳамма кўчаларини марказ билан, ўқув даргоҳлари билан бир-бирига изма-из келаётган жамоат транспорт воситалари боғлаб турибди. Шундай экан, айни куч-қувватга тўла бўлган ёшлар – талабалар ҳам шахсий уловларида эмас, жамоат транспортида ўқишга бориб келсалар-чи! Кўнглим сезиб турибди, “Нега айнан биз?..” демоққа шайланган ёшлар оз эмас.

Шу ўринда ҳаёт ҳикматларидан ечим изласак. Ота-боболаримиз кўпчиликнинг, халқнинг тақдирига дохил муаммоларни муҳокама қилиб, уларни ҳал этиш йўлларини излаш учун давра олганларида, муаммонинг қай бир жиҳатларини зиммага оладиган мард, саховатли одамлар албатта топилган. Аммо шундай вазиятлар бўладики, уни айрим одамлар ҳал қилишининг иложи, имкони бўлмайди. Ана шундай пайтларда оқсоқоллар, эл ҳурматидаги одамлар маслаҳат билан муаммони ечиши мумкин бўлган, ўша вазифани бошқаларга нисбатан осонроқ ва кам йўқотишсиз бажариши мумкин бўлган тоифа ёки одамларга топшириқ қилиб юклаганлар. Мана шу нуқтаи назардан олганда...

Келинг, маълумотларни такрор-такрор ақлимиз, қалбимиз кўзгусидан ўтказайлик: *“Тошкентда айрим кунларда PM2.5 митти зарралари миқдори рухсат этилганидан 45-50 баробаргача ошиб кетмоқда. Авто тутунлари, CO2 даражаси меъёрдан 4,4 баробар ошган. “UzHydroMet маълумотларига кўра, 17 декабрь куни Тошкент шаҳрининг ҳавосида кичик дисперсли PM10 заррачаларининг максимал таркиби 241 мкг/м³ ни, PM2.5 митти зарраларининг таркиби эса 211 мкг/м³ ни ташкил этган. Бу ЖССТ тавсияларидан 43 баробарга кўп дегани. Углерод оксиди (ис гази)нинг максимал таркиби 6,2 мкг/м³ ни ташкил этган ва бу рухсат этилганидан 1,4 баробар кўп...”*

Мутахассислар кейинги йилларда аҳоли орасида нафас қисма, саратон, нафас олиш ва қон айланиш тизимининг ишдан чиқиши каби оғир касалликлар кўпайиб, ёшариб бораётгани ва бунинг асосий сабабларидан бири ўпкамиз орқали вужудимизга кираётган ҳаво таркибида зарарли, заҳарли моддалар миқдори ортиб бораётгани экани ҳақида бонг урмоқдалар. Кейинги пайтларда пойтахт осмонида чанг булутлари сузиб юриши ёки муаллақ туриши тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Нафақат Тошкент, балки унинг атрофида яшаётган одамларнинг бирортаси бундай ҳавонинг жисму руҳиятига озми-кўпми хавфидан ҳимояланган эмас. Мавжуд касалликлар кучаяди, хасталикка мойил кишиларда салбий ўзгаришлар ортади, соғлому бақувват вужудлар ҳам темирдан эмас... Донолар таъкидлайдилар: “Соғлигингни йўқотмасдан олдин соғликнинг қадрига ет!”

Бостириб келаётган хавфнинг олдини олиш учун инсон зоти, аввало, ўз қўлидан келадиган, кучи ва имконияти етадиган ишларни қилиши, тадбирларни қўллаши оддий ҳолат. Дунё ҳаёти билан боғлиқ экологик муаммоларнинг ечими, фаолияти жамият иқтисодию эҳтиёжини таъминлашга қаратилган оғир ва енгил саноат корхоналарини қайта қуриш тез ва осон битадиган ишлар эмас. Айни бугундан бошлашимиз мумкин бўлган, катта ўзгаришлар талаб қилмайдиган имкониятимиз бор: ишлашга, ўқишга куч-қуввати етаётган соғлом одам жамоат транспортида юриши мумкин-ку! Тараққий этган Европа мамлакатларининг марказий ва улкан саноат шаҳарлари ҳавоси билан боғлиқ айни муаммо кўндаланг бўлганда, биринчи навбатда шахсий автомобиллар қатновини камайтириш чорасини қўллаганлар.

Шу ўринда битта мисол. Узоқ бир юртларда эмас, бизга шундай қўшни бўлган айрим мамлакатларда, жумладан, Тожикистонда бу борада қатъий тартиб жорий қилинган экан. Бу ерда олий таълим масканларида ўқиётган талабаларнинг ўқишга шахсий автомашиналарда келишлари бутунлай тақиқланган. Бу тартибга амал қилмайдиганларга эса қатъий чоралар, ҳатто ўқишдан ҳайдашгача бўлган чоралар кўрилади. Ўрта таълим мактабларида эса ўқувчилар қўл телефонларини олиб киришмайди. Мактабга киргунча топшириб, уйга кетаётганларида олиб кетаверишади. Шубҳасиз, эзгу мақсадли бу тартиблар хайрли натижалар беришига асос бор.

АҚШнинг республикамиздаги элчиси интервьюсида айтади: “Мен Тошкентда яшайман, кичик ёшдаги болаларим бор. Шу боис кўпчилик тошкентликлар қатори мен ҳам ҳаво сифати билан боғлиқ вазиятни диққат билан кузатиб бораман. Ҳаво тоза бўлиши учун ўзим ҳам, оилам билан ҳам чора кўришга ҳаракат қиламан. Албатта, мен Тошкент ҳавосини тозалашга ёрдам берадиган ҳар қандай чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайман. Мисол учун, бу жамоат транспортидан фойдаланиш имкониятини ошириш бўйича ҳукумат даражасидаги чоралар бўлиши мумкин. Агар бирор жойга пиёда ёки машинада бориш ўртасида танлов бўлса, мен ва оилам пиёда юришни афзал кўрамиз. Шундай қилиб, биз ҳаво сифатини яхшилашга кичик ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиламиз”.

Ҳозир ёшларни, маҳаллаларни уюштирадиган тадбирлар жуда кўп. Улар орасида самара берадиганлари билан бир қаторда самарасизлари ҳам йўқ эмас. Айтайлик, ёшлар етакчилари ёки ташкилот раҳбарлари “Бир кун (бир ҳафта, ўн кун...) ўқишга ёки ишга жамоат транспортида бориб келамиз!” деган ташаббус билан чиқиши ва буни амалга ошириш иложсиз тадбир эмас-ку! Тадбир аҳамияти самимият билан, далилларга асосланиб тушунтирилса, уни қўллаб-қувватлайдиганлар топилади. Уларни, ҳеч бўлмаганда, маънавий рағбатлантиришнинг ўзи самарасиз қолмайди. Бу йўналишдаги ишларга, балки, республика миқёсида экологик масалаларга бевосита масъул бўлган идораю ташкилотлар ташаббускор бўлишар! Улар йирик ташкилотлар, ўқув муассасалари раҳбарияти билан ҳамкорликда “Тошкент ҳавоси мусаффолигига ҳисса қўшаман”, “Тоза ҳаво – ота-онам, фарзандларим, ўзимнинг соғлигим гарови” (мисол учун-да) каби шиорлар остида аҳолининг ишга, ўқишга жамоат транспортида бориб келиши акциясини ўтказишлари; ўша кунлари об-ҳавода бўлган ўзгаришларни кенг тарғиб қилишлари, акцияда фаол иштирок этганларни рағбатлантиришлари мумкин. Бу ташаббусни тизимли, қамрови кенгайиб борадиган ҳаракатга айлантириш йўлларини топиш мумкин.

Айни ўринда биз бу тадбирларнинг пойтахт ҳавоси мусаффо бўлишига, ҳамшаҳарларимизнинг жисмоний саломатлигига ижобий таъсири ҳақидагина тўхталяпмиз. Инсоннинг кўпчилик орасида киришувчанлиги, ўзини жамият аъзолари билан бир саф-бир мақомда ҳис этиши, ўзидан катталарга ҳурматда ва ўзидан кичикларга иззатда бўлиши бу – маънавий соғломлик, аксинча эса маънан ноқисликдир. Бошқаларни билмадим, лекин мен ярим асрдан ортиқ одамлар орасида ўқиб, ишлаб, ўрганиб юрган бўлсам, ҳали бирор ўқувчи ёки талабанинг: “Мен фалон устоз (муаллим)нинг ўзини ёқтирмайман-у, фанини яхши кўриб ўқидим, ўзлаштирдим”, деганини кўрмадим, эшитмадим. Мактабда, олий таълим даргоҳида, аввало, устознинг ўзини яхши кўриб қолганмиз, қалбингга нур ва ҳарорат берадиган бу туйғу азиз инсоннинг фанига қизиқиш, меҳр уйғотган. Шукрлар бўлсинки, кейинги уч-тўрт йилда ҳурматли Президентимизнинг алоҳида эътибор, ғамхўрликлари, махсус фармону қарорлар билан мактаб ўқитувчилари, олий таълим муассасалари илмий-педагогик ходимларининг маошлари анча ошди, буни уларнинг ўзлари ҳам миннатдорчилик билан эътироф этмоқдалар. Лекин йиллар давомида нафақат талабалар, балки мактаб ўқувчилари орасида ҳам устозининг кийими, ишга қандай транспорт воситасида қатнаши, уй-жойи қандайлигига қараб лақаб қўйишлар, нописанд муомала-муносабат қилишлар оддий ҳолатга айланди. Ўтган йили олий таълим даргоҳларига кириш учун ҳужжат топширган жами абитуриентларнинг учдан икки қисмининг билими кириш имтиҳонларида талаба бўлиш учун талаб қилинадиган энг паст баллни тўплашга ҳам етмагани... (бу ҳақда ўйлаганда, ҳар сафар кўксимдан бир аччиқ кўзимга тўлади)... Таълим соҳамизнинг бундай ачинарли аҳволга тушишида ота-оналарнинг, катталарнинг ўз дилбандларига нисбатан қайноқ, сахий, аммо сўқир муҳаббатларининг асорати борлиги шубҳасиздир. Чиройли кийинтириб, ўзи емаган неъматларни едириб, чўнтагига телефону пул солиб, машинага миндириб ўқишга кузатаётган аксарият ота-оналарнинг диққати боласининг ташқи қиёфасида, бошқалардан чиройлироқ ва имкониятлироқ бўлиб ажралиб туришини таъминлашда экан, тажрибасиз ёшлардан нима кутиш мумкин?

Техника фанлари доктори Абдурашид Отахонов (Аллоҳ раҳмат қилсин)нинг тўртта ўғлига нисбатан талабчанлиги, уларни доим ўқиш ва меҳнат билан банд қилишда қаттиққўллигини кўрган кўни-қўшнилар, таниш-билишлар отани болаларига нисбатан “золим” деб аташган. У йигитларнинг ҳаммаси икки-уч йўналиш бўйича етук мутахассис бўлишди, камида уч-тўрттадан хорижий тилларни яхши ўрганишди, ҳозир улар ўз юртимизда ва чет мамлакатларда ўзбек деган номни шарафлаб меҳнат қилмоқдалар.

Мундоқ ўйлаб қараганда, куч-қувватга тўлган йилларида тўрт мучаси соғ инсоннинг қаддини баланд кўтариб, шахдам қадам ташлаб, дунё гўзалликларидан кўзу кўнгли баҳраманд бўлиб ўқиб, ишлаб юриши ғанимат неъмат эмасми?!

Тўғри, саломатлигида, жисмоний ҳолатида муаммолар бўлган, нисбатан узоқ жойдан қатнаб ишлайдиган ёки ўқийдиган, шунингдек, фаолияти кун бўйи бир неча жойларга бориб келиш билан боғлиқ ҳамшаҳарлардан буни талаб қилиш нотўғри. Аммо эрталаб енгил машинасида ишга, ўқишга келиб, кечки пайт уйига қайтгунича битта бинода муқим ўқийдиган, ишлайдиганлар шаҳримизда вақтинчалик хизмат вазифасида бўлган элчи тили билан айтганда, “пиёда юришни афзал кўриб, ҳаво сифатини яхшилашга кичик бўлса-да, ҳисса қўшишга ҳаракат қилсалар эди”.

Бундан бир неча йил олдин ёзда республикамизда иш соатлари бир соатга олдинга сурилганди. Тонгги соат тўртларданоқ олам ёришиб кетадиган пайтларда ишга, ўқишга бир соат эрта бориб, бир соат эрта қайтиш қандай яхши! Яна бир мулоҳаза: шундай ташкилот, корхоналар борки, улар иш фаолиятини албатта соат 9.00 да эмас, бир ёки ярим соат кечроқ бошласа ҳам бўлаверади. Шуларни таҳлил этиб, сирғалувчи иш тартиблари жорий этилса... Айни масалада “Катта муаммони майда-чуйда ўзгаришлар билан ҳал этиб бўлмайди”, деган шубҳа-иккиланиш билан эмас, нонни қадрлаш унинг ушоғини ҳам исроф қилмасликдан бошлангани каби, “Тошкент ҳавоси тозаланишига бир тола нурдек фойдаси тегадиган имкониятдан ҳам фойдаланамиз”, деган ишонч ва қатъият билан яшашимиз, ҳаракат қилишимиз керак.

Оммавий ахборот воситаларида, айниқса, телевидение орқали фаол турмуш тарзи, пиёда юришнинг афзалликлари ҳақида бир қадам наридаги дўконгаям машинасида бориб келадиганларга ибрат бўладиган дастурлар тайёрлаш керак, назаримда. Бундай дастурлар, агар тўғри тушунсалар, ҳаётини машина кабиналарисиз тасаввур қилолмайдиганларнинг соғлом турмуш тарзига ўтишларига, меъёридан ортиқ семириб, нимжон бўлиб қолмасликларига сабабчи бўлади. Ва яна муҳими, жамият соғлом, бақувватлашиб бориши билан бирга, минглаб пойтахтликларни (улар қаторида ўзимиз, ота-онамиз, фарзандларимиз, ака-укаю опа-сингилларимиз бўлиши мумкин) заҳарлию зарарли ҳаво таъсирида оғир ва бедаво хасталикларга чалинишини камайтиради.

Кейинги ойларда матбуот, радио-телевидение, ижтимоий тармоқларда Тошкент ҳавосининг ифлосланиши бўйича дунёда биринчи, иккинчи... саккизинчи ўринларни эгаллаётгани, ҳавонинг таркибидаги меъёрларга тўғри келмайдиган ўзгаришлар ҳақида деярли ҳар куни ёзиляпти, айтиляпти. Лекин... ҳар бир пойтахтлик — ўзимиз ва яқинларимиз мунтазам равишда мана шу ҳаводан заҳарланаётганини англаб етмасак; аста-секин таъсир этувчи оғу каби бундай ҳавонинг бир қадар тозароқ бўлиши ўзимизга боғлиқлигини тан олмасак; кўчада хоҳлаган жойига ахлат ташлаб кетиш, латта-путтаю хазон ёқиш иллатидан қутулмасак; жамоат транспортидан фойдаланиши мумкин бўла туриб шахсий машинага “ёпишиб олган” бўлсак ва уни кўпқаватли уйнинг деразалари тагигача ҳайдаб келаверсак... муаммо газак олиб бораверади. Энди Тошкент осмонига умумий гаплар эмас, аниқ саъй-ҳаракатлар ҳаётбахш насимлар олиб киради.

Шу ўринда айтмасак бўлмас: кейинги икки-уч йилда Юртбошимизнинг ташаббус, ғоят ўринли талаблари билан маҳаллалардан тортиб вазирлик, идора, ташкилотларга дарахт экишга жалб этилди. “Яхшидан боғ қолади” деганларидек, юртимизнинг барча ҳудудларида бу умумхалқ ишининг самарасини кўриб турибмиз: икки-уч йилда ниҳоллар бўй чўзди, тана қўйди. Янги-янги боғлар, сайилгоҳлар пайдо бўлди, йўл ёқаларига экилган ниҳоллар соя-салқин бера бошлади. Аммо... “Бели оғримаганнинг нон ейишини кўринг”: умрида бир-иккита ниҳол экиб, дарахтга айлантирганми-йўқми-ю, нафсу чўнтаги ташвишида пойтахтимиздаги улкан дарахтларни, гуркираган боғларни кесиб, уларнинг ўрнига пултопар маконлар қурган, қурмоқчи бўлганларга орқаворотдан енгил-елпи чора кўрилишига ёки улар халқнинг, аҳолининг неча ўн йиллик меҳнатини зое этиб, эл нафас олиб турган тоза ҳаво манбаини йўқ қилганлари учун уч-тўрт сўм жарима тўлаб қутулиб кетишларига чек қўйиш керак! Бундай зараркунандаликлар телеэкранлар орқали, матбуотда батафсил ёритилсин, кирдикор эгалари жамоатчилик олдида қилмишларига яраша жавоб берсинлар.

Яна бир ҳолат билан боғлиқ мулоҳаза: мутахассисларнинг айтишича, чорраҳаларда, светофор олдида тўхтаб турган машиналар юриб турганларига нисбатан кўпроқ зарарли моддалар чиқараркан. Тиғизлик пайтида бирорта светофорнинг олдидан тўхтамасдан, кутмасдан ўтмайсиз. Баъзан бу тўхташлар ярим соатларгаям чўзилади. Демак, тирбанд турган ўнлаб машиналар (шаҳар бўйича ҳисобласак, мингларга айланади) шунча вақт давомида ҳавога зарарли, заҳарли моддалар чиқаради. Ўйлайман-да, светофорлар оралиғидаги масофа маълум, машиналарнинг рухсат этилган тезлиги аниқ, демак, шаҳар светофорлари ўртасидаги йўлни машина қанча муддатда босиб ўтишини ҳисоблаш бугунги ақлли компьютерлар учун писта чақишдек гап. Шундай бўлгач, светофорларнинг автоматик бошқарувига машиналар гуруҳи аввалги светофордан бунисига етиб келгунича ўтадиган вақт оралиғида пиёдаларга, машиналар яқинлашганда эса машиналарга яшил чироқ ёнадиган дастур ўрнатиш мумкин эмасми? Ахир кўпгина ривожланган давлатларда шунақа тизим йўлга қўйилган-ку!

...Ибратли ривоятда айтилишича, катта ёнғинни ўчиришга тумшуғида сув ташиб ҳисса қўшмоқчи бўлган қуш унинг ҳаракатларини маънисиз деб кулганларга: “Муҳими, менинг қайси томонда эканимда”, деб жавоб берган экан. Яъни, мураккаб, оғир, чигалли вазиятларда қалбимиз, ниятимиз ва шунга муносиб хатти-ҳаракатларимиз қайси томонда – эзгуликка эшми ёки лоқайдми, умидсиз ожизми, бепарвоми экани бизнинг кимлигимизни кўрсатади.

Мухтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Адади: 4 005
Буюртма — Г-144

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 22¹⁰

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.